inn[1]! йул билан ^*ал* ь^илиш, бир-бирига ^арши курашувчи • нлар уртасида музокаралар олиб бориш, муста^ил i in мтларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори ....... i), тожик хал^ига ва аввало Афгонистондан ^айтиб i і мчит ^очо^ларга бундан буен 5^ам инсонпарварлик • 11-ыми беришга тайёрмиз,

Уибекистон Тожикистондаги можаронинг бошидано^ ва-шм'гпи синчиклаб урганиш ва унинг БМТ доирасида бар-|.||мф этилишини таъминлаш нихрятда зарурлигига БМТ IMНII котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийнинг эътиборини нкки марта жалб ^илди.

Тожикистондаги можаро хусусида ташвиш билдириб, у и га тез эътибор берганлиги ва куч-гайрат сарфлаганлиги учун биз БМТдан, унинг Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос I ннпйдан миннатдормиз ва жахрн ^амжамияти тинчлик ишига ^ушилган бу з^иссага муносиб ба^о беришига ишон-'шмиз комил. Минта^ада БМТ Бош котибининг махсус шчиси жаноб И. Киттани раз^барлигидаги миссия самарали шнлаяпти. Бизнинг назаримизда, у туплаган материал ШТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида можаронинг \,ф;|ктери ва з^аракатлантирувчи кучлари тугрисида объектив хулосалар чи^ариш имконини берди.

Шунга ^арамай, з^озирги вазиятга асосланиб, нафак,ат '1'ожикистонда, балки Афгонистонда з^ам тожик-афгон чегарасидаги аз^волга етарлича эътибор берилаяпти деб ;штиш ^ийин, Ушбу можаронинг мщёслари ва потенциали, бутун дунёга хавф солаётган з^алокатли ок.ибатлари з^али тула-тукис англаб етилгани йуц. Фурсатдан фойдаланиб, мен Бош Ассамблея сессиясининг к.атнашчиларини мазкур муаммони з^ал ^илиш йуллари тугрисида узларининг амалий фикр-мулоз^азаларини билдиришга чак.ираман.

Узбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барцарорлик на з^амкорлик масалалари буйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чак.ирилишини айни муддао деб з^исоблайди. Тинчлик урнатишда к.адимий анъаналарга эга булган, халцаро з^амкорлик ва миллатлараро тотувлик руз^и билан йугрилган шаз^ар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари утказиладиган жой булишга тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаз^онда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52-модцасига мувофив; манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минта^авий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш им-

кониятларини мухркама кила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган з^олларда тинчликни саклаш ва кайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмокчи булганларга карши дипломатик, молиявий, иктисодий з^амда бошка тусдаги коллектив жазо чораларини кузда тутиши, ушбу минтакада баркарорлик ва муста^кам тинчлик урнатиш буйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чикиши мумкин булур эди.

Узбекистон жаноб Бутрос Бутрос Голийнинг 1992 йил 31 январда Хавфсизлик Кенгашида баён килган "Тинчлик кун тартиби"да таклиф килганидек, Ер юзида хавфсизликни таъминлашда жаз^он ташкилоти сифатида БМТнинг янги ролига эришиш йулларини куллаб-кувватлайди. Биз БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийни Марказий Осиё минтакасига, жумладан Узбекистон Республикасига келишга таклиф киламиз. Ишончим комилки, БМТ ва унинг Бош котибининг обру-эътибори ушбу минтакада вокеалар салбий ривожланишининг олдини олиш ва бунга йул куймаслик имконини беради.

"Кун тартиби'да жаноб Бутрос Бутрос Голий з^озирги дунё учун олдини олиш дипломатиясининг аз^амиятига катта эътибор беради. Бу эса бизнинг нуктаи назаримизга тула мое келади. Мана шу юксак халкаро минбардан туриб, БМТни узининг тинчликпарвар фаолиятини, айникса можаролар чикадиган жойларда тинчлик урнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чакиришни истардим.

Шуни эътироф этишга тугри келадики, куп хрлларда нуфузли халкаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнгин з^иди эндигина чикаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш кийин булиб ^олгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаз^он з^амжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш максадида куп х.оллардаги бефар^ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуктаи назарига ута бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши х_узурида юзага келаётган халкаро можароларни та^лил ^илиш ва истикболини белгилаш буйича махсус гурух_ ташкил ^илиниши ма^садга мувофи^ деб х.исоблаймиз. Бундан ма^сад тегишли карорлар ^абул *;илиш учун Хавфсизлик Кенгашига, БМТнинг бош^а булинмаларига, бутун





•и х,амжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёр-

i.iii иборатдир.

шрги замон во^елиги шундайки, бир мамлакатнинг чилиги бош^а давлат х_исобидан таъминланиши мум-||| || iwac. Минта^а хавфсизлигини бутун жаз^он хавфсиз-'MI in муаммоларидан ажралган з^олда куриб булмайди. 11 1\ in "л асосланиб, Узбекистан ядро куролининг батамом i •, i милиши учун, Ядро ^уролини тар^атмаслик тугри-i M I. ни Шартноманинг самарали з^аракат цилиши ва унинг пир муддатсиз узайтирилиши учун з^аракат ^илади. Ьп IK ми г республикамиз ана шу Шартноманинг з^аракат муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёрмузокараларида фаол к.атнашади. Узбекистон Мар-

и Осиё минта^асининг ядросиз зона деб эълон ^или-ППМ1И11ИНГ к;атъий тарафдоридир.

Киз кимёвий ^уролни та^ик.лаш Конвенциясига куши ниш тугрисидаги >^амда бактериология куролини i.ii.ni^iam муаммолари буйича зарур музокараларни х.ам м.н |.улият билан утказиш ниятидамиз. Узбекистон Маркаяий Осиё минтакасида кимёвий ва бактериологик куролни м г гаркатилиши устидан халкаро назорат урнатиш зарур яисоблайди.

Муз^тарам хонимлар ва жаноблар!

Ниринчи навбатдаги муаммолар орасида наркобизнесга (..ципи каратилган умумий саъй-х.аракатларни кучайтириш мпсалаларига алох.ида эътиборни каратишни истардим. Биз .iii.i шу иллатга карши курашда кенг куламли з^амкорлик ^плиш тарафдоримиз. Жаз^онда ишлаб чикарилаётган ва in тп.мол килинаётган наркотик моддаларнинг талайгина I'jiuMw Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки унинг п|)|у1ли ташиб утилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг (рапзит йуналишлари бир минтакада жамланишининг v шсн^ мана шу даз^шатли з^одисани тугатишда жаз^он х,амжамияти уз имкониятларини жамлаб, ишга солиши учун етарли асос булади. Узбекистон барча манфаатдор млмлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада з^амкорлик е; п л ишга тайёр. Наркобизнесга ^арши курашда биргаликдаги куч-гайратларни мувофи^лаштириш учун Марказий

Осиёда БМТнинг минтакавий Комиссияси тузилишини биз куглаган булур эдик.

Биз атроф му^итни назорат ^илиш ва жаз^он микёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилишини з^ам ёклаб чицаяпмиз. Мана шу олижаноб вазифани амалга оширишда з^ар жи^атдан кумак беришга тайёрмиз.

Дунёдаги купгина минта^алар каби Марказий Осиё з$ам гоят катта ми^ёсдаги экологик офатларга дуч келаяпти. Энг аввало бу ran Орол денгизи фожиасига тааллукли. Кейинги йилларда унинг з^ажми уч баравардан купрок кискарди, майдони икки баравар камайди, киргок 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашуви даражаси турт бараваргача ощди, ^айдаладиган икки миллион гектар ерни кум босди, чанг-тузонлар бурони 300 километр ва ундан купрок^ масофага етиб борадиган булди. Мана шуларнинг з^аммаси минтакадаги санитария з^олатига салбий таъсир курсатмокда. БМТ экспертларининг фикрига кура, Орол муаммоси узининг экологик ва ижтимоий-иктисодий окибатлари жиз^атидан 20-асрнинг энг катта офатларидан бири булиб крлди.

Орол денгизининг з^алокати бутун дунё учун олдиндан айтиб булмайдиган о^ибатлар келтириб чи^армокда. Биз жаз^он з^амжамиятига мурожаат килиб, Оролни ва Оролбуйини куткаришда ёрдам беришга чакирамиз. Фалокатнинг з^а^икатан з^ам жаз^он мщёсида эканлиги-ни эътиборга олиб, Узбекистан БМТнинг Орол буйича махсус Комиссияси ташкил килинишини ё*;лаб чи^^ан булур эди. Бу Коммиссия минта^адаги з^укуматлар билан келишган з^олда ва БМТнинг имкониятлари ор^али хал^аро кучлар ва маблагларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб килган булур эди. Дастлабки ^адам сифатида мазкур Комиссия ушбу муаммо буйича Нукус шазужда БМТ з^омийлигида Халкаро конференцияни тайёрлаши мумкин булур эди. Хонимлар ва жаноблар!

Узбекистон "совук^ уруш" тугаши даврида муста^ил булди. Ана шу давр БМТ ва жаз^он з^амжамияти олдида йигилиб долган муаммоларнинг жамики мажмуига сергаклик билан янгича баз^о беришни такчззо ^илади. Биз Шимодцаги таракдий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар уртасида з^адиксираш кучайганлигидан хавотирдамиз. Шар^ билан Гарб уртасида аввал булган мафкуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётганлиги хусусида таассуф билдирамиз. Биз а^идапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ппивищдамиз.





Бизнинг назаримизда, вужудга келган шароитда инсоният тара^^иётини чигаллаштириб юбориши мумкин булган янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита булиши керак. Шу муносабат билан бизга ПМТнинг энг муз^им органи — Хавфсизлик Кенгаши з^о-:шрги дунёнинг ижтимоий-иктисодий, этник-маданий, димий, маънавий жиз^атдан гоят хилма-хиллигини баб-баранар тарзда акс эттириши, узининг таркиб топган консериатив тузилмасини к;айта куриб чи^иши учун з^ам са марали чоралар куриш зарурати низ^оятда етилди, деб ^исоблаймиз.

Жаз^он халклари янги минг йиллик бусагасида турибдилар. Улар уз келажагининг порлок., исти^болли булишини истайдилар. Жаз^он ми^ёсидаги мафкуравий ^арамацаршиликларнинг агдар-тунтарлари утмишда ^олаяпти. Хал^ларнинг тинчлиги, з^амкорлиги, узаро хавфсизлигидан rtoiu^а йул йук эканлигига ^атъий ишонч ортиб бораяпти.

Х,а^икатан з^ам, инсониятнинг эртанги куни кандай булар экан? У янги даврга к,ай з^олда кириб боради? У утмишнинг огир меросини бартараф эта оладими? Узаро цадиксираш, ишончсизлик, з^укм утказиш з^оллари йу^ булиб кетганда у давлатлараро муносабатларда руй-ростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Миллатлар з^амжамиятининг келажаги мана шу саволларга осриладиган жавобларга богли^. Узбекистон жаз^он ^амжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий luiivm^ з^олда, унинг замонавий ривожланиши даражасига кос булган чукур демократик жараёнлар узанида устувор миллий мак^садларга эришиш сари клтъият билан бориш ниитидадир. Узбек халкини инсониятнинг ягона оиласида «нет булмаган, аммо буюк келажак кутаётганлигига унинг шмопчи комил.

' Зътиборингиз учун ташаккур.

*1993 йил 28 сентябрь,*
*Нью-Йорк*

# ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУК^АДДАСДИР

Ассалому алайкум, азиз дустлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз депутатларга ва сиз ор^али Сирдарё вилоятининг барча ме^наткашларига эзгу х;урмат-эз$тиромимни из^ор этмок;чиман. Шу кунларда сизлар з^ам муста^ил республикамизнинг барча мез^наткашлари каби гоят мураккаб келган хужалик йилининг сар^исобини к.илмокдасиз. Сирдарё вилояти ме^наткашларининг багри унинг бепоён замини каби кенг, очик; ва саховатлидир. Бу ерда хар бир мискрл з^осил накддар катта мез^нат ва мустаз^кам ирода, акл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини ^аммамиз яхши биламиз.

Жонажон Узбекистонимизнинг бугуни з^амда эртаси ха^идаги аник_ ва ^атьий йулимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сузлаган нуткимда яна бир марта баён этганимдан хабарингиз бор. Ушанда таъкидлаганимдек, биз ани*; тарихий вазиятга, узбек халкининг руз^ияти ва анъаналарига асосланиб, уз ислох.отларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чикдик ва бу йулда дастлабки самарали кддамлар куйилди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш юртимизда истик/эмат ^илаётган х.ар бир фу^аронинг, айни^са зиммасига масъулият юклатилган з^ар бир катта-кичик рах.барнинг мук.аддас бурчидир. Шу билан бирга, з^ар биримизнинг Узбекистоннинг келажаги йулидаги фидойилигимизни, ватанпарварлигимизни, имон ва инсофимизни кэттиц синовдан утказадиган тарихий давр келди.

Албатта, Россияда руй бераётган во^еалар з^аммамизни ташвишга солмокда. Чунки уларнинг бизга бевосита таъсири бор. Бу фожиали вок_еаларнинг асосий сабаби, илдизи нимада?

Шуро салтанати парчаланиб кетгач, з^амма мустак;ил республикалар каби Россия з^ам узига хос тара^^иёт йулини танлаб олди. Менимча, ана шу йул танлашда,





in-, и подий ислохотларни амалга оширишда шошма-шошарлик ^илинди. }^ам сиёсатда, з^ам и^тисодда, з^ам маънавимгд.ч одамларнинг руз^ияти, дунё^арашига мое йул танланмади. Бировларнинг гапига кириб, "шок терапияси" деб, in ло^отлар сунъий равишда тезлаштирилди. Баъзи ижтимоий табакаларнинг эъти^оди назарга олинмади, тарихи целости к;илинди. Одамларнинг турмуш даражаси пасайди. Натижада одамлар уртасида зиддият, жамиятда булиниш I'yn берди. Докимият талашиш, одамларнинг бошини ВЙлантириб узига ^аратиш бошланди.

Бош^а давлатни, у амалга ошираётган ишларни танк^ид ци;шш нотугри. Лекин, нима булсаям, одамлар озор чекмаслиги, кон тукилмаслиги керак. Мен Борис Ельцин, Виктор Черномирдин билан телефон ор^али суз^батда з^ам уларга шу гапларни айтдим. Узбекистан хал^и сизларга, I'm сия хал^ига фа^ат тинчлик тилайди, сизда тинчлик булса, бизда з^ам осойишталик булади, дедим.

Бизда ^ушнинг тинч — сен тинч, деган ма^ол бор. Тожикистон з^а^ида доимо жон куйдириб гапиришимизнинг (абабини х.ам шундай тушунмо^ керак.

Аввал одамларнинг цорнини туг^, устини бут ^илайлик. Лнвал ицтисод, кейин сиёсат деганларидек, оч одам муси^ани х.ам ^орни билан эшитади. ^улогига ran кирмайди. Лхир, ислоз^отлардан ма^сад одамларнинг з^аётини яхшилаш эмасми? Боыща гаплар кейин булаверади. Хулоса туки, бозор икгисодиётига бос^ичма-бос^ич утишда биз нщлаб чи^^ан биринчи, асосий тамойилда кузда тутилгапидек, и^тисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Шу ну*;таи назардан Караганда, Сирдарё вилоятида а^вол, одамларнинг кайфияти ^андай? Афсуски, кони^арли :>мас.

^адрли дустлар!

Бугунги сессия кун тартибига ^уйилган масала, назаримда, х,аммага бир ^адар маълум булса керак.

К^искаси, Сирдарё вилоятидаги вазият з^аммамизни, аввало Президент сифатида мени ташвишга солмоеда. Вилоятда кейинги пайтларда ижтимоий-и^тисодий масалаларга раз^барлик бушаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг му1>аккаблашувига, жойлардаги маънавий-руз^ий муз^итнинг бузилишига сабаб булмо^да.

Камчиликлар, йул цуйилаётган ну^сонлар з^а^ида гапирар эканмиз, биринчи навбатда режалар бажарилиши, иш-

лаб чикаришнинг аз^воли, одамларнинг таъминоти, кайфияти, кун кечириши, хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, умуман, Сирдарё вилоятида раз^барлик ишлари ^андай бораётганига эътибор бермо^ зарур. Сиёсий, иктисодий, маънавий ^аётимизга ислозртлар татби^ этилаётгани, мамлакатимизда кабул ^илинган крнунлар, фармонлар ^ай даражада бажарилаётганини з^исобга олиб, вазиятни баз^олашимиз лозим.

Вилоятдаги ижтимоий аз^вол, ишни ташкил цилиш, олдимизда турган муаммоларни, вазифаларни з^ал этиш йулида хал^ни, мез^наткашларимизни бирлаштириш, жипслаштириш, уларга аниц йул курсатиш, бошчилик ^илиш масалалари атрофлича урганилди, тегишли текширишлар, суз^батлар утказилди. Купчилик ноиблар, раз^барлар, ишчилар, фахрийларнинг, умуман айтганда шу эл-юрт жонкуярларининг хулосаси шуки — вилоятдаги бугунги аз^вол крни^арли эмас.

Вилоятда ишлаб чикариш з^ажми пасайиб бормокда. Саноат ма^сулоти ишлаб чи^ариш утган йили 1991 йилга нисбатан 92,3 фоизга уддаланган булса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1992 йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилган, холос.

Айникса, шаз^ар ва туманларда саноат маз^сулотлари ишлаб чи^аришни назорат ^илиш эътибордан четда долган.

Чет эл фирмалари билан кушма корхоналар ташкил к;илищдек замон талабига вилоятда етарли эътибор берилмаётир. ^озир руйхатдан утган 5 та кушма корхонадан атиги 2 таси фаолият курсатяпти. 493 та кичик корхонадан 52 таси, 47 та ширкатдан 12 тасидагина халк^ истеъмоли маз^сулотлари ишлаб чш^арилмокда. Бу тизимда ишлаб чи^арилаётган маз^услотлар умумий хал^ истеъмоли моллари ишлаб чик;ариш з^ажмининг з^аммаси булиб 5 фоизини ташкил этади, холос.

Бозор иктисодиётига утишда мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чи^аришнинг ахамиятини бир ^анча туман х;окимлари унутиб ^уйган. Бунга керагича мисоллар келтириш мумкин.

Капитал курилиш соз^асида бирмунча ишлар ^илинганига ^арамай, уй-жойларни фойдаланишга топшириш, янги уй-жойлар куришни режалаштириш ута сует амалга оширилмокда.





Аз^олининг аз^волини з^исобга олсак, бугунги энг долзарб масалалардан бири — хал^ни ичимлик суви ва газ билан ыъминлашдир. Афсуски, бу соз^ада к;илинаётган ишлар з$ам цеч кимни ^они^тиролмайди — режа атига 50 фоиздан икдро^ ^илиб бажарилган, холос. Купгина туманларда эса .-цолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йуги 22—50 фоизга уддаланган.

Аз^олини иш билан таъминлаш борасида ташкилотчиинк, ташаббускорлик сезилмаётир. Жойларда тузилган мс^нат биржалари аксарият з^олларда зиммаларига юклан-1.И1 вазифаларни бажармаяпти. Утган давр мобайнида улар К 75 нафар кишини ишга жойлаштирган, холос. Вахоланки, руйхатга олинган 17 минг нафар ишсизга йил охирига Сюриб яна 2 минг киши к^ушилиши кузда тутилмокда. Айни па^тда ташкилот, корхона ва хужаликларда 1200 иш жойи и учи тургани мехнат биржалари ва раз^барлар эътиборидан четда крлаётганига нима дейсиз?! Ахир, одамларни иш Гшлан таъминлаш, даромад олиш, турмуш даражасини чхшилаш учун кайгуриш бозор иктисодиётига утилаётган найтда мухим аз^амият касб этишини раз^барлар намотки гуч'унмаса?

^ишло^ хужалиги соз^асида з^ам аз^вол яхши эмаслиги к у зга ташланади. Дез^^ончилик саноати уюшмаси хужа-л и к лари утган йили ^они^арсиз ишлагани сабабли уларпинг молиявий курсаткичлари жуда паст булди. ^ишлоь^ хужалик маз^сулотларини давлатга сотиш режалари 12 .косий турдаги маз^сулотдан 6 таси, яъни 50 фоизи буйича и.1жарилмай долган. Асосий даромад манбаи булган пахта ".i,7, сабзавот 94,4, узум 76,4, сут 92,8, тухум 72,5, асал К),4 фоизга бажарилди.

Бунинг асосий сабаби суғориладиган майдонлардан фой-(ыллниш даражаси пасайиб кетгани ва агросаноат бирлашмасидаги ходимларнинг масъулиятсизлиги, ихтисоси буйича билими пастлиги, нотугри танланганидир.

Утган йили чорвачиликни ривожлантириш ва унинг ма^сулдорлигини ошириш борасидаги ишлар хам талаб д;фажасида булмади. Чорвачилик махсулотларини ишлаб чи^ариш режаси бironта турдаги махсулот буйича бажа-|)илмади. Натижада чорва махсулотларини сотишдан 160 миллион сум зарар курилди.

I1у йилнинг 9 ойи мобайнида ^илинган ишлар натижа-(и шуни курсатадики, вилоят хокимлигидаги дез^^ончилик

мажмуига масъул раз^барлар з^амда шу соз^ада ме^нат к.илаё'тган ходимлар утган йилги йул к.уйилган камчиликлардан тегишли хулоса чщармаган.

Чорва молларининг бош сонини купайтиришга етарлича аз^амият берилмагани натижасида шу йилнинг утган даври мобайнида барча турдаги молларнинг сони утган йилга нисбатан камайтириб юборилди. Шунингдек, давлатга утган йилдагига нисбатан 3 минг тонна сут кам сотилди.

Халк.имизнинг ризк.-рузи, асосий даромад манбаи булмиш пахтачиликдаги бугунги аз^вол з^аммангизга маълум. Мен куп йиллар мобайнида республикада пахта етиштириш аз^волини кузатиб келаман. Лекин Сирдарё вилояти х.еч к.ачон бу йилгидек оцсамаган, пахта тайёрлашда энг ореада к.олмаган эди. Бу нима дегани узи? Сирдарё дехк.онлари, миришкорлари хар доим бошк.алар учун урнак эди-ку! Мана шу чулларни узлаштирган, обод к.илган одамлар ^ани? Сирдарёликларнинг бошк.алардан нима камчилиги бор? Бу юртда жонкуярлар йук.ми? Бор! Фак,ат уларнинг бошини к,овуштириш, бир мак.сад сари йуналтириш йук.. Уларнинг ме^натини к.адрлаш, рози К.ШШШ йук.. Юзингизга айтаман, сизлар ме^натда тобланган одамларсиз. Бундай заз^маткаш, сабр-к.аноатли халк.ни топиш ^ийин. Лекин кейинги йилларда к,андай янгилик, к.андай ташаббус билан чиединглар?

Режадаги пахтанинг маълум мик.дори ва ортигини хужаликлар ихтиёрида к_олдириш тугрисидаги фармонни бажаришда хам жуда катта камчиликларга йул ^уйилган. Бундан куп х.олларда к.ули эгри, ноинсоф, кишло^ хужалигига умуман ало^аси булмаган кимсалар мумай пул ишлаш учун фойдаланган.

К^ачонгача бойликни дехдон яратиб, фойдасини бошк^алар куради? Нега уларга жазо бермаймиз? Бунинг сабабини биламиз, кейин айтаман.

Бундан тапщари, вилоят агросаноат уюшмасига ^арашли хужаликларда камомад, уринсиз харажатлар ва талонторожчилик з^олларини бартараф этиш буйича курилаётган тадбирлар з^ам к,оник.арли эмас, 1993 йилнинг 9 ойи мобайнида камомадлар акс этган 38 та тафтиш х.ужжатлари прокуратура ва ички ишлар идораларига берилган булсада, з^анузгача куриб чикилмаган. Бунга сабаб нима?!





Жиноят жазосиз к.олиши ок.ибатида хужаликларда мулкни талон-торож к.илиш з^амда четга рухсатномасиз маз^сулот олиб чи^иб кетиш хрллари такрорланмо^да.

Республика раз^бариятининг аз^олини дон ва ёнилги маз^сулотлари билан таъминлаш борасида ^илаётган ишига тусиклар к.уйиляпти.

Дон маз^сулотлари республикамизга валюта х.исобига олиб келиниб турган бир ва^тда туман з^окимларининг курсатмасига асосан 1000 тонна бугдой чорва молларига озук.а з^исобида бериб юборилган. Бунинг тагида жиноят борлиги з^аммамизга ани^ булиши керак.

Вазирлар Маз^камасининг "Узбекистон Республикаси К.ИШЛОК. хужалигида ик.тисодий ислоз^отни янада чук.урлаштириш тадбирлари тугрисида"ги з^амда "Республика чорвачилигида и»;тисодий ислоз^отни чу^урлаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги к.арорларини бажариш юзасидан *;илинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Бугунгача 10 та хусусийлаштирилган фермада гушт ва сут етиштириш режаси бажарилмаган.

Хужалик раз^барлари ва мутахассисларнинг айби билан вилоятда и^тисодий ислоз^отни амалга оширишда ички механизмларнинг ишлаб кетиши к.ийин булмоеда. Хужаликларда мулкка булган муносабат деярли узгармаяпти.

Бугунги кунда вилоятда 650 фермер хужалиги фаолият курсатаётир. Булардан 455 тасига 15 минг урнига 3 минг гектаргина ер ажратилган. 200 фермерга эса умуман ер берилмаган. Буни ^андай тушунмок. керак?

Аз^олининг соглигини сак.лаш, улар з^ак.ида гамхурлик ь^илиш давр талабларига тула жавоб бермайди. Вилоятда оналар ва болалар улимининг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти деб айта олмаймиз.

Халк. таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги жиддий камчиликлар баратараф этилмаётир. Мактаб, ^унар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия бе^)иш шу тизимга ^уйилган талабларга жавоб бермайди. У^итиш з^амон эскича. Умумий таълим мактабларида 100 дан ортик^ фан у^итувчилари етишмайди.

Халк. таълими соз^асида Президент Фармонларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Уй-жойларни хусусийлаштириш учун ариза берган 5344 ук.итувчидан купининг илтимоси цондирилмаган. Нега келажак авлодни тарбия-

лайдиган, унга билим берадиган укитувчига бундай муносабатда булаяпмиз? Бу фармонни чицарганимизга неча йил булди? Бунга ким жавоб беради?

Биринчи — бешинчи синф укувчиларига бепул нонушта бериш з$ам к_оникарсиз аз^волда. Уларга куп з^олларда фа^ат чой ва нон берилмокда. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида богчада тарбияланувчиларга тегишли маз^сулотларнинг атиги 30—50 фоизи берилган. Бунга нима деса булади? Бунинг з^аммасига сабаб угрилик, юлгичлик эмасми? Нега шундай одамларнинг башарасини очиб ташламаяпмиз? Мактабларни ^ишки мавсумга тайёрлаш ишлари з^ам крникарсиз экани нега з^еч кимни ташвишга солмайди?

"Сирдарёсавдо" концернига карашли ташкилот ва савдо шохобчаларида савдони ташкил килиш, аз^олини белгиланган ми^дордаги моллар билан таъминлашда жуда куп хато ва камчиликларга йул куйилмокда. Натижада ажратилган озик-овкат ва саноат моллари аз^олига етарли микдррда етказиб берилмаяпти.

Савдо дуконлари пештахталарида ози^-овкат маз^услотлари *иуц* з^исоби. Бу соз^а буйича хусусийлаштириш хужакурсинга, аксарият з^олларда кузбуямачилик *билан* утказилмокда. Ваз^оланки, хусусийлаштиришдан туб максад — маз^сулот ишлаб чикаришни купайтириш булмоги лозим.

Лекин савдодаги раз^барлар шалоги чи^^ан битта газсув дукончасини кимгадир бериб, уни хусусийлаштириш руйхатига киритиб, кукракларига уриб юрибди. Бунинг з^аммаси кузбуямачиликдан бош^а нарса эмас.

Меъёрланган ози^-ов^ат маз^сулотларини аз^олига етказиб беришда з^ам жиддий камчиликларга йул куйиляпти. Аз^олини белгиланган меъёрдаги маз^сулотлар билан таъминлаш, сифатига эътибор бериш, назорат килиш ёмон аз^волда.

Савдодаги тартибсизликлар камаймаяпти. Харидорлар з^а^ига хиёнат килиш, ноёб молларни яшириб сотиш з^олларининг олди олинмаяпти. Харидорлар з^акидан уриб ^олиб, чунтагини мумай пул билан тулдираётганларга нисбатан кескин чоралар курилмаяпти.

Сирдарё хал^ига ажратилган моллар, жумладан, озик.-ов^ат молларининг куп ^исми Тожикистоннинг Ленинобод вилоятига олиб бориб сотиляпти. Мошин-мошин маз^сулот четга чикиб кетяпти. Буни оддий одамлар куриб, билиб





турибди. Божхона ходимларининг кузи курми? Буни купчилик раз^барлар з^ам, маъмурий орган ходимлари з^ам билади. Лекин чора курмайди. Нима учун десангиз, тили ^иси^, узлари муттаз^ам. Одамларнинг ишончидан кхшган, бировнинг юзига ^арай олмайди.

Бюджет маблагларининг ута тан^ислиги шароитида вилоятда зарур булмаган харажатларни камайтириш буйича таъсирчан чоралар курилмаган. Бунинг устига бюджетда кузда тутилмаган тадбирлар учун куплаб маблаглар ажратилган.

Айрим ташкилотларнинг раз^бар ходимлари айби билан бюджет х.исобидан товон пулларини олишда куплаб кушиб ёзиш з^оллари руй бермоеда.

Ташкилот, муассаса ва корхоналарда давлат маблагларидан фойдаланишда купол молиявий хатоларга, куплаб талон-торож ^илишлар, гайрик;онуний сарф-харажатлар, асоссиз туловларга йул ^уйилган.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида тафтиш ва текширувдан утказилган 303 ташкилот ва муассасанинг 231 тасида, яъни 80 фоизида гайрикрнуний харажатлар, камомад ва угриликларга йул куйилгани аникланди. Буни кандай баз^олаш мумкин? Тартиб-интизом борми узи?

Айтиб утилган камчиликлар бопщарма, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилгани, назорат-тафтиш булимларидан ахборот ва маълумотлар талаб цилиб олинмагани з^амда кадрларни танлашда купол хатоларга йул ^уйилгани окибатида содир булган.

Зарар куриб ишлайдиган корхона ва ташкилотлар з^амон куплигича в^олмоеда. Шу йилнинг 1 сентябригача булган маълумотга кура, 331 корхонанинг 38 таси молия-хужалик фаолиятини 568 миллион сум зарар билан якунлаган.

Жорий йилнинг утган ойлари мобайнида 788 ташкилотда солиц буйича ^онунчилик бузилган. К,айта назорат ^илиш натижасида давлат бюджетига 517 миллион 415 сум кушимча кирим ^илинди. Бу ташкилот раз^барлари чунтакни ^аппайтиргунча, давлат билан з^исоб-китобни тугрилаб куйса булмайдими? Эртага пенсия, нафацаларни, у^итувчи ва шифокорларга маошни нима з^исобидан тулаймиз? Бу давлатни алдаш эмасми?

Хурматли депутатлар!

Иилнинг бошида республикамизда жиноятчиликка - ши кескин кураш бошланганидан хабарингиз бор. Вактида курилган бу тадбирни халкимиз куллаб-кувватлади ва енгил нафас олди. Аммо Сирдарё вилоятида жамоат тартибини саклаш ва уюшган жиноятчиликка карши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш сохаларида маъмурий, з^уку^-тартибот идоралари фаолияти талаб даражасида эмас. Соха ходимлари уртасида локайдлик, бефарклик ва маънавий упирилиш иллати илдиз отган хрллар мавжуд. Сунгги йилларда вилоятда жиноятчилик, шу жумладан огир жиноятлар сонининг ошиб бораётгани гоят ташвишланарлидир. Масалан, кртиллик 1993 иилнинг 9 ойида утган иилнинг шу даврига нисбатан республикада 19 фоиз камайгани хрлда, вилоятда 37 фоиз усган.

Жиноятчиликнинг усиши маъмурий, з^уку^-тартибот идораларининг сует ишлашига, вазиятни тугри бахолай билмасликларига з$ам богликдир. Купгина жиноий ишлар судгача етиб бормай, жиноят содир этганлар жазога тортилмасдан крлмокда.

1993 иилнинг 9 ойи мобайнида 1693 жиноят кайд этилган булиб, шундан 415 таси фош этилмай крлган. Руйхатга олинган 52 та котилликдан факат 25 таси судда курилган, холос. Фукаролар мулкини угирлаган 600 жиноятчидан фа^ат 351 нафаригина жазога тортилган.

Тергов ва суд идораларида огир жиноятларни содир этганларга нисбатан асоссиз равишда енгиллик бериш з^оллари куп учрамокла. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг "мархамати" туфайли жиноятчилар крнуний жазодан кутулиб кетмоада.

Халк^ нонини туя ^илаётганларга нисбатан кескин чоралар курилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идоранинг нима кераги бор? Порахурлик учунми? Оддий фу^арони з^имоя г^илиш учун эмасми? Табиий савол тугилади: милиция уз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахур булса, прокурор заиф, уйинчи булса, ^окимларнинг ^улоги кар, кузи кур булса, оддий фу^аро кимга боради? Уни ким химоя килади? Унинг гамини, ташвишини ким чекади? К^ани адолат, к;ани хакщат? Шу ишни бажармаса елкасига погон таг^канлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб





^уйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик? Одамларни зршоя к.шшш учун эмасми?

Оддий одамлар, хал^ ана шу воцеаларни, к;ингирликларни куради-да, унда з^аммаси куруц ran, адолат йу^, булмаган ва булмайди з^ам деган фикр тугилади. Энг ёмони шунда.

Ахир, одамларга я*;ин булишимиз, муаммоларни хал этиб беришимиз керак эмасми? Улар бизга ишониб, бизни шунинг учун сайлаган эмасми?

Вилоят з^окимлиги жамоат ташкилотлари, эл-юрт з^урматига сазовор булган фаоллар билан з^амкорликда, уларнинг фаолиятларини мувофиклаштириб, маслаз^атига ^уло^ тутиб ишлашни ташкил ^илолмаса, албатта, шу юртда аз^иллик булмайди, иш з^ам юришмайди.

Оммавий ахборот воситаларида вилоятда амалга оширилаётган ишлар уз аксини топмаётир, уларга раз^барлик эса бушаштириб юборилган. Исти^лол мафкурасини з^аётга татбик. этувчи тизимлар з^аракатга келтирилмаган.

}^урматли ноиблар!

Шу уринда биринчи раз^бар, унинг вазифалари з^а^ида тухталиб утишга тугри келади.

Мен илгари нутк;ларимда кадрларни бир неча тоифага ажратган, кимлар билан ^андай ишлаш кераклиги тугрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу — з^озирги огир вазиятдан фойдаланиб к.олишга харакат ^иладиган, фак;ат уз манфаатини уйлайдиган, халк. гамташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса — бефар^, ло^айд одамлар булиб, уларни "уйинчи" дегим келади. Бундай раз^барлар з^еч кимга к;арши гапиришни, душман орттиришни хоз^ламайди. Уйин билан юрибди. Шамолга к;араб туради. Хушомадгуйлик билан овора. Неча марта айтдим: менинг номимни улуглаш керак эмас! Вилоятларга кираверишда, чегарада суратимни осиб цуйиш керак эмас! Одамлар нима дейди, ахир! Х^ар бир маъруза, з^ар бир нутк^ Каримовдан бошланиб, Каримов билан тугайди. Бу нима деган ran? Каримовни тинч ^уйинглар! "Яшасин!" деган даврлар утди. Х.аммаси утади. Фа^ат зиммангизга юклатилган ишни бажарсангиз — менга булган энг катта з^урматингиз шу!

Узбекистон танлаган таракдиёт йулини, унинг узига хос жиз^атларини одамларга тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бу — менинг Президент сифатидаги бурчим. Чунки

биз бу йулда елкадош булишимиз керак. Лекин ана шу фикрлар баён этилган китобларни хам улуглаш эмас, урганиш керак. Танкидий куз билан, фикр юритиб у^иш керак.

Энди кадрларни танлаш масаласига келсак, шуни билингларки, бу энг нозик иш. Одамлар жойида утирса, топширилган ишга муносиб булса — шунинг узи 50—60 фоиз ютук^ демакдир. Узи рози булса, ундан эл рози булса, бундан *рртщ* бахт йук.. Аммо, вилоятда хамон сузамол, гапга тун кийдирадиган, узини донишманд ^илиб курсатадиган, лекин хал^нинг назаридан долган кишилар масъул лавозимларда ишлаб келмокда. К|ани вилоят хокимининг кадрларни танлаш ва жой-жойига куйишдаги урни?

Вилоятда кадрларни танлаш, уларни урганиш жараёнлари хал*; депутатлари, фаолларидан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, ^атъиятлилиги, кобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят рахбарига нисбатан шахсий эътик/эди, садокати инобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна-огайнигарчилик асосида таксимлашга йул очилган. Бу йул билан тайинланган раз^барлардан юрт, ватан, истиклол манфаати учун нима кутиш мумкин?

Баъзи рахбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг наздида, жонини олишдай ran. Кур^ади. Нега? Кулидан бошка' иш келмайдими? Оч крладими? Йук,. Сабаби шуки, амалини суиистеъмол ^илиб келган булади. Мансабдан манфаат топмаса, нега бунча кур^ади?

Сирдарё вилоятида з^ам иккита хрким муовини лавозими буш турди. Баъзи хркимлар кул остида ёш, кучли, ташаббускор одам ишлашини хохламайди. Сабаби — заиф рахбар кучли муовиндан куркади. Сирдарёда ана шундай чулда тобланган ёшлар йукми? Жуда куп. Факат уларни тарбиялаш, устиришга эътибор йу*^.

Сизлар фа^ат з^амма камчилик, з^амма "бало" бизнинг вилоятда экан, деб уйламанг. Афсуски, бу камчилик бу эски касаллик куп вилоятларга з$ам хос.

Вилоят хокимининг эътиборсизлиги ва ^атъиятсизлиги туфайли ра^барлар орасида а^иллик йу^, бундай аз^вол бошкариш самарасига салбий таъсир ^иляпти.

Бу хато ва камчиликлар шуни курсатадики, вилоят з^окими ра^барликни, талабчанликни мутлацо бушаштириб, вазиятни чигаллаштириб юборган. Биринчи





раз^барликни зиммасига олган шахсга куп з^укуц берилган, лекин унинг масъулияти з^ам каттадир. Бугунги замон раз^барлик лавозимида утирганлардан ^атъият талаб к.илади. Рахбар булиш з^амманинг з^ам пешонасига ёзилмаган.

Заиф, уз соясидан кур^адиган, лекин уз манфаатини эсидан чи^армаётган шахслар — уйинчилар билсинки, уларнинг замони — даври утди.

Энди ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан — мен учинчи тоифага киритган кадрларга умид боглашимиз керак. Мен К,ашкадарёда юрганимда ана шундай ёшларни курсам, ^ани энди, бирон урин бушаса-ю уларни кутарсам, деб орзу ^илардим. Бунинг учун вилоятдаги ана шундай ёшларни излаб топиш, яъни ташкилий ишларни яхши йулга куйиш керак.

Дозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бощдан кечиряпмиз. Кечаги улчовлар бугунга тугри келмайди. Шунинг учун з^ам агар мендан Президент, давлат раз^бари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб суралса — Аллоз^ таологa минг шукроналар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сурардим, хал*;имизнинг риз^ини, насибасини сурардим, з^ар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо ^илардим.

Ана шу ма^сад-муродимизга етиш учун нима керак, деб суралса — авваламбор эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раз^барлар, фаоллар керак, эл-юрт обруси учун, ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раз^барлар керак. К^ани энди шундайлар з^ар *;айси вилоятда, туманда купрок; булса, дер эдим.

5^ар к.айси шаз^ар, туманларимизда, йулларнинг з^ар бир чорраз^асида мана шу — з^аммамизнинг ^албимизда булган, ^аммамизни му^аддас ишларга чорлайдиган сермазмун шиорни катта-катта з^арфлар билан ёзиб ^уярдим: "Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруг истикболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак булса жонни фидо ^илиш шу мукаддас заминда яшаётган хар бир инсон учун бахтдир".

Дурматли ноиблар!

Неъматларга бой еримиз, багри, кенг, мез^наткаш халк;имиз бор. Мана, дунёни куряпмиз. Бундай хал^, яна

такрор айтаман, хеч каерда йук.. Келинг, йул к.уйилган хато ва камчиликларни узимиз тузатайлик. Ватанимиз, халкдшиз бахт-саодати учун узимиз_ курашайлик. Чунки келажак — узимизга керак. Ушанда Узбекистон узи танлаган таракдиёт йулидан, ёруг исти^бол йулидан ортга к.айтмайди. Факат к.улни к.улга бериб ишласак, ахил булсак, иншооллох, барча эзгу ниятларимизга етамиз. Келажак учун хизмат цилайлик.

*Халк; депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сузланган нут\, 1993 йил 9 октябрь*

## ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТЫ ТОМОНИДАН УТКАЗИЛГАН РАСМИЙ ^АБУЛ МАРОСИМИДА СУЗЛАНГАН НУЩ

Президент жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало бизни, Узбекистон делегацияси аъзоларини мехмондуст ва ажойиб Франция диёрида в^увонч билан, самимий кутиб олганингиз учун чин ^албдан миннатдорлик билдираман.

Президент жаноблари, ёш мустак;ил Узбекистон ва унинг халк,и шаънига айтган яхши гапларингиз ва истакларингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Сизнинг тарих ва маданият сохасидаги чинакам чук.ур билимингиз, Узбекистоннинг утмиши ва ^озирги кунига бу ердаги ^урмат-эътибор бизни ^айратга солди, Президент жаноблари, Сизга, жахрн маърифати ва хрзирги дунё тара^^иётига улкан ^исса к.ушган халк.ингизга миннатдорлик туйгуларини уйготди.

Францияда бир неча асрлардан буен бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси хусусида чу^ур тадкикотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Француз шар^шунослари бу соз^ада кашшофлик кшвдшшр ва ажойиб натижаларга эришдилар.

Буюк ипак йули Франция ва Испаниядан олис Х_индистон ва Хитойгача чузилган булиб, к^а^Д^имии^ Узбекистон шу йулда мамлакатларни бир-бири билан богловчи марка-зий бугин, Шарк билан Гарб, ислом билан насронийлик бирбирига туташган жой эди, Шарк, ва Гарб маданиятлари бирбири билан богланган жой эди.

Олис утмишдаги узаро муносабатларимизнинг купгина шонли са^ифалари тарихда сакланиб долган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёц мамлакатларимиз уртасида мус-

танкам сиёсий, икдисодий, маданий алокаларни урнатиш зарур деб ^исоблаган Франция ^ироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг узи кифоядир.

Узбекистан Франция хал^ига зур эхтиром ва хурмах билан ^арайди. Узбеклар ва французларни эзгулик, мехмондустлик, к;увнок;лик, тинчлик ва фаровонликка интилиш каби муштарак миллий хусусиятлар я^инлаштиради. Виз Вольтер ва Руссонинг улмас меросини, француз адиблари Бальзак, Золя асарларини узбек тилида у^иб, тахсин айтамиз. Француз рассомлари Ренуар, Гоген чизган суратларни куриб завкланамиз. Жорж Визе, Морис Равель, Клод Дебюссининг мислсиз мусик;аси, Эдит Пиаф, Шарль Азнавурнинг ажойиб овози куплаб узбекистонликларни мафтун к^илади.

Халкимиз катта эхтиром билан ^арайдиган француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг: "Бутун дунёда тинчлик гояси — барча миллатлар мулкидир. У энг юксак бахт-саодат сифатида тинчликни талаб к.илади", деган сузлари кунглимизга я^ин. Буюк инсонпарвар ёзувчининг бу сузлари узбек халк,ининг маталига хамоханг; "Элга эл ^ушилса, фаровонлик булади, элдан эл ажралса — мухтожлик булади", дейди хал^имиз.

Бизнинг назаримизда Франция — инсоният рухи улугворлиги ва акл зиёси рамзи, жахонга куплаб ато^ли арбоблар етказиб берган буюк мамлакатдир. Франция фа^ат ноёб маданият ва нафис санъат мамлакати, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йугрилган адабиёт ва шеърият мамлакатигина эмас. Бизнинг наздимизда Франция жахонга илк бор эркинлик, тенглик ва биродарлик сингари олий ма^садларни инъом этган замонавий демократия ватани хамдир.

Буюк тарих ва хозирги замоннинг узвий богликлиги, битмас-туганмас акл-зиё ва маънавий салохият хрзирги Францияни жахондаги кудратли саноат хамда илм-фанга эга булган йирик ва нуфузли давлатлардан бирига, исти^боли порло^ мамлакатга айлантирди.

Франция Умумевропа хонадонини барпо этишда фаол ^атнашмокда. Бу хонадон кридалари ва хусусиятлари шу ерда пайдо булгани ва Париж хартиясида мужассамлашгани чуцур рамзий маънога эга. Эркинлик, демократия,





инсоннинг асосий ^у^у^лари ва эркин гоялари Узбекистан манфаатларига, бизнинг тушунчамиздаги жахонда икт-исодий, экологик, ху^у^ий, маданий ва ахборот макони яхлитлигига тула-тукис хамо^ангдир. Бугун мен Париж хартиясига имзо чекиб, Узбекистоннинг шу хартия рухи ва кридаларига содиклигини тасди^ладим.

Президент жаноблари!

Ик.тисодий ва сиёсий сохада Франция билан фаол хамкорлик «;илиш истагимизни тушуниб, ^уллаб-к.увватлаётганингиздан жуда хурсандмиз. Мамлакатларимиз ва халкларимизнинг бахт-саодати, гуллаб-яшнаши учун, тинчлик ва ялпи тара^иёт йулида мувафак_иятли ^амкорлик ва мез^нат ^ила оламиз, деган ишончга ^ушиламан.

Узбекистан икки йил му^аддам муста^иллигини тиклади. Биз инсонпарварлик ва адолат к/эидаларига асосланган очив^ демократик жамият курмо^чимиз, бош^а — тарак^иётнинг мураккаб йулини босиб утган мамлакатлардаги барча фойдали жих;атларни узида мужассамлаштирган эркин бозор и^тисодиётини барпо этмо^чимиз. ^ар бир хал^ таракдиёт ва янгиланишнинг уз йулини танлаб олади. Биз хам хал^имизнинг миллий хусусиятлари ва анъаналарини, тарихи ва рухиятини хисобга олиб, уз йулимизни танладик.

Ватанни тиклаш 22 миллион кишидан иборат куп миллатли Узбекистан хал^и з^аётининг мазмунига айланган. Аммо бизда янги дунёга осонликча утиш хусусида з^еч ким хомхаёлга берилмайди. Бунинг устига, ана шу жихатдан Караганда, Франциянинг маънавий ва сиёсий мадади катта ахамиятга моликдир.

Бизнингча, Франция Республикаси билан хамкорлик Узбекистан учун Европада катта имкониятлар очиб беришга крдир, шунингдек бу хамкорлик Франция учун Марказий Осиё минта^асида катта имкониятлар яратади. Биргаликдаги харакатларимизнинг умумий ма^сади маълум, у хам булса, Европа ва Осиёда хавфсизлик ва барцарорликни мустаз^камлаш, эркин бозор савдо-сотигини кенгайтириш, фуцароларимизга муносиб турмуш тарзини таъминлаш, тинчлик, инсонпарварлик, маънавият сари интилишдир.

Улкан и^тисодий, табиий имкониятларга, одамлар салоз^иятига эга булган Узбекистан з^амма эътироф этган хал^аро меъёрлар асосида сайёрамиздаги барча мамлакатлар билан тенг з^у^укуш ва узаро манфаатли муносабат-

ларни ривожлантиришга катьий азд ктаган. Узбеклар диёрида улкан минерал-хомашё ва энергетика бойликлари мавжуд. Республика илм-фан, техника, юксак технология, кишло]$ хужалиги, саноат, транспорт, ало^а сохасида жуда катта имкониятларга эга. Бизнинг бойлигимиз, олтин — валюта захираларимиз, сиёсий баркарорлик, хорижий сармоялар юксак даражада муз^офаза килиниши сузимизнинг катъийлиги ва ваъдамизни бажаришимиз, хусусий бизнес ва ишбилармонликка катьий з^укукий кафолат — жаз^оннинг етакчи компаниялари ва банкларини республикамизга жалб килмокда.

Ташрифимиз Узбекистон — Франция муносабатларига янги омил бахш этишига, янада самарали з^амкорлик учун мустаз^кам замин яратишига чин кунгилдан умид киламиз.

Президент жаноблари!

Мамлакатингизга келиб, гузал Францияни уз кузимиз билан куриш насиб этгач, бир-биримизга узаро ^изи^ишимиз мустаз^кам тарихий илдизга эга булибгина кадмай, унинг келажаги хам порлокдир, деган фикримиз тобора мустахкамланмокда. Президент жаноблари, билишимча, Корнелнинг "Сид" фожиасидаги "нимадир етилиши учун вакт керак", деган доно фикр сизга жуда ё^ади. Уртамизда тенг ва узаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва^ти келганига ишончим комил. Эндиликда з^амдустлигимизнинг улкан бунёдкорлик имкониятларини амалга ошириш учун сиёсий ирода ва фаол саъй-харакат зарур.

Президент жаноблари!

Сиз дарахтларни яхши билишингиздан хабарим бор. Бу Сизнинг буюк афзаллигингиздир, бинобарин, Сизга жуда з^авасим келади. Халкларимиз дустлик низ^олларини ут^азган эдилар, биз имзолаган икки томонлама битимлар шу нихолларнинг шохларидир. Сиз каби биз з^ам ана шу низ^оллар усиб, дустлик ва з^амкорликнинг мустаз^кям ва сермева дарахтларига айланишини истаймиз.

Имкониятдан фойдаланиб, Сизни, Франциянинг буюк фарзандини тугилган кунингиз билан табриклайман. Сизга чин кунгилдан бахт-саодат, сихат-саломатлик, Франция халк^и бахт-саодати йулида узо^ умр куришингизни тилайман.

Президент жаноблари, Сизни узингиз учун энг цулай пайтда Узбекистонга брришга яна бир бор чин кунгилдан





таклиф ^иламан. Узбекистон хал^и Сизнинг ташрифингизни сабрсизлик билан кутади. Ишонтириб айтаманки, Сиз хаммамиз учун энг азиз мез^мон буласиз.

1^адаз^ сузи айтмоцчиман:

Президент жаноблари учун!

Шу ерда з^озир булганларнинг сиз^ат-саломатлиги ва осойишталиги учун!

Узбекистон — Франция муносабатларининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун!

Гузал Франция учун!

*1993 йил 27 октябрь,*
*Париж*

## ФАН ВАТАН РАВНА^ИГА ХИЗМАТ К^ИЛСИН

Муз^тарам илм-фан ахли!

Азиз биродарлар!

Узоц-я^ин мамлакатлардан келган кадрли мез^монлар!

Авваламбор барчангизни Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсизлар!

Бу му^ташам залда Узбекистон олимлари билан ёнма-ён чет эллардан келган фан арбоблари з^ам утирибди. Эл-юртимизни бу кадар иззат ^илиб, Узбекистон фани байрами шодиёнасини баз^ам кураётганликлари учун хукуматимиз, халкимиз, илмий жамоатчилигимиз номидан уларга миннатдорчилик билдириб, чин к,албимиздан: "Хуш келибсиз муътабар заминимизга, азиз дустларимиз!" деб айтамиз.

Мехмонларга узимизнинг з^урмат ва эз^тиромимизни изз^ор этар эканмиз, улар билан келажакда хам з$ар томонлама барча соз^аларда з^амкорлик килишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Шу уринда Россия олимларининг Узбекистонга, узбек халкига замонавий фанни бунёд этиш борасида курсатган кимматли ёрдамларини алоз^ида таъкидлаб утсак арзийди. Мамлакатларимиз, халкларимиз уртасидаги бузилмас ва туб алок.аларни саклаб крлиш ва ривожлантириш — келажакдаги муваффакиятларимиз гарови булишига ишонамиз.

Мен Марказий Осиё давлатлари— бизнинг ён ва жон кушниларимиз булмиш мамлакатлар олимларини з$ам алоз^ида ^утлашни узимнинг бурчим деб биламан. ]^адимий Турон заминида яшаган аждодларимиз бир булокдан сув ичганлар. Бу му^аддас було^нинг номи — маърифат, Шар^ илми, Шарк фалсафасидир. Имоним комилки, бизларнинг истик.болимиз з^ам бир-бирига уйгун, бир-бирига эш булиб цолади.





Биз ушбу тантанада иштирок мез^монларимиз — германиялик Дорис ЕвЯ А^Шдан келган жаноб Генрих ЛубаттинИ, Дуглас Морисони зур миннатдорлик ва табриклаймиз.

Мустахкам биродарлик, дустлик, ли иш ришталари билан богланган эскй олимлар делегациясининг бошлиги, *Росс#* Фанлар академияси президентининг маслЗ^ЗТЧИСИ, акаде" мик Владимир Котельниковни, Украина *Ф^* Р академи" ясининг вице-президенти, академик *Игор** (-Рип,,икни „' Беларусь Републикаси Фанлар академи^нтмг *а „хртм президенти, академик Николай Борисович^11, изаРоаижон

*тм

Фанлар академиясининг президенти, Тожикистон Фанлар академиясининг uuu,v нлап академи демик Толбак Назаровни, Туркманистон &^*пш* академик яси Адабиётшунослик институтининг дирв^каси Фанлар Омонгелди Урозовни, К_озогистон Респуб^1 раиси академияси Марказий К^озогистон булими**1* фанлар демик Жулдас Мулдахмедрвни, ^иргизис^<7?гматовни маз— демиясининг президенти, академик Илгиз А кур анжуманда табриклашдан гоят xу_рсаі#* он

Биз з^аммангизни мез^мондуст Узбе^ __ куришдан з^амиша хурсандмиз. Биз фао ^ шиорга амал к.иламиз. Бу шиор шундз** "янги уй к;урмай туриб, эскисини бузманг"-энг огир, ^атти^ шиов синов кунларида, ёнимиз/* дош булиб турганини, к.ийинчиликларимиЗ*^ ларимизга хам ким шерик кувонч булганини, Ф£ мизни, Тошкент дорилфунунини, бошк;а \ ларни ташкил этишда ким ёрдам берганини ] ва з^еч ^ачон унутмаслигимизни ^у™ ' ^ англатади.

Бизнинг хал^имиз дустларнинг бегараз ларимиз амалга оширган олижаноб *кшя&г,* t унутмайди. Бугун сизларга мурожаат J^HJ^** дуСТлар!" айтаман: "Узбекистонга хуш келибсиз, asi*3

Дурматли дустлар! бир

Биз хозир хаётимиздаги j^ар бир байраш ^од гояси ва вокеани Узбекистон муста^иллиги, ист^^з фаровонлиги халк.имизнинг истик.боли билан, турмуши>^_„ - OD4V ITHTW— ва юртимизда яшаётган хар бир р у

лишлари билан боглаб нишонлаяпмиз. Буни бугунги замон, бугунги х,аётнинг узи такозо килмокда.
Виз байрамларга байрам санаси булгани учун эмас, балки зфзир айтилган юксак гоялар нук,таи назаридан к_араймиз. Шу нуцтаи назардан баз^олаймиз ва кадрлаймиз. Академиямизнинг ку/глуг туйини шу маънода баз^олайдиган булсак, у Узбекистон, узбек миллати тарихида, кузена заминимиз з^аётида буюк воцеадир.

Узбекистон — бой мамлакат. Буни бугун бутун дунё тан оляпти. Аммо, табиат инъом этган моддий бойликларимиздан ташк,ари яна бир битмас-туганмас бойлигимиз борки бу мамлакатимизнинг зиёлилари, фундаментал фани, назариётчилик мактаби, интеллектуал ва илмий салоз^иятимиздир.

Шу залда утирган, машакдатли ва шарафли мез^натда сочлари окарган кекса олимларимиз билан бирга илм йулига катта з^авас билан кириб, фан чукдиларини кузлаётган ёш йигит-^изларимизни х;ам к^изгин к.утлаймиз, улуг максадлари йулида омад ва зафарлар тилаймиз.

К^адрли дустлар!

Бугун Фанлар академиясининг 50 йиллигини нишонлаяпмиз. Лекин жумздфиятимиз илм-фанининг маркази булган бу даргоз^нинг ёши факат ярим аср билан улчанмайди. Улуг бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби умумбашарий маданият ривожига улкан з^исса кушган буюк алломалар бу муборак сарчашма бошида турганлар. Х.еч бир муболагасиз айтиш мумкинки, фанимизнинг бугунги ноёб ва куркам биноси пойдевори неча-неча асрлар мук.аддам барпо этилган.

Шундай экан, эл-юртимизда фан жуда к.адимдан таракдий топгани, унинг илдизлари жуда чук.ур ва бак.увват экани, юз йиллар мобайнида узбек миллатига, бутун жаз^он ajyгara табиат сирларини урганишда, тиббиёт, фалсафа, З9^ук_шунослик, илоз^иёт, адабиёт, тилшунослик соз^аларида унутилмас хизмат ^илгани х;а^ида фахр ва гурур билан гапиришга >^ак.к,имиз бор.

Бинобарин, пойдевори шундай бакдуват булган илму фан муз^ташам биносининг к;адди-к.омати з^ам юксак ва куркам булиши лозим.

Бундай олижаноб мак.садларга эришиш учун Узбекистон олимларининг кучи з^ам, цурби ва жасорати з^ам етарли, деб уйлайман.





Фурсатдан фойдаланиб, Узбекистон илм-фани ва шу баробарида з^ар бирингиз уз соз^ангизда маълум ва машз^ур булишингизни, изланиш ва мез^нат з^осилини баз^ам куришингизни тилайман ва шу билан узбек фанининг обрусини юксак чук^иларга кутаришингизни тилайман. Бу борада Президент сифатида сизларнинг энг як.ин ёрдамчингиз булишга ваъда бераман.

^урматли бcodoрлар!

Яна икки-уч гоят муз^им масала буйича сизлар билан фикрлашмо^ни хоз^лардим. Мамлакатимизда илм-фан тарак.к.иётини янада юксалтириш вазифаси билан боглик^ айрим муаммолар з^акида уз фикр-муло^азаларимни баён цилмоцчиман.

1. Маълумки, мустакиллигимиздан олдин, я^ин кунларгача з^амма нарса, шу жумладан илм-фан, унинг ривожи чегараси, мик.ёси, тармо^лари з^ам Марказ ^аричи билан улчанарди.

Бощцача к.илиб айтганда, з^акик.атга з^аммамизга маълум з^укмрон мафкура кузи билан ^аралган ва баз^о берилган. Атокли олимларимиз илм соз^асида муз^им янгиликлар, салмо^ли кашфиётлар ^илганида з^ам уларга баз^о берадиганлар собик. Марказдаги кабинетларда утирадиган кишилар эди. Олимларимизнинг илмий такдирини з^ам, келажаги ва ^адр-^имматини з$ам уша кимсалар з^ал ^илишга уринарди. Уларнинг к.арашлари ва улчовлари эса бизга маълум эди.

Фикрни, таракдиётни бугадиган бу ^олипдан чик;иб кетиш катта жасоратни талаб к.иларди. Дунё илм-фанида булаётган кашфиётлар, изланиш ва муаммолар билан танишиш учун уша одамларнинг рухсатига, кулига ^арам эдик.

Энг афсусли жойи шунда эдики, баъзи олимларимизнинг дунёк.арашлари, тафаккури, интилишлари х.ам шу иклимга мослашиб долган эди. Ь^уёш Шаркдан эмас, Марказдан чикади, деб фикрлашга ургатиб куйиш, кундириш учун ^илинган х.аракатларни бугун эсласак уринли буларди, деб уйлайман.

Мен яна бир бор мах,аллалар фаолиятига ах.амият беришга, уларнинг даражасини кутаришга даъват к.иламан. Зеро барчамиз мах.аллада усганмиз. Унинг нуфузини кутариш, билингки, нафа^ат и^тисодий, нафакат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Виз мах.аллаларга шу ну^таи назардан ^арашимиз лозим. Мах.алланинг х.ар ^андай масалани ечишга ^урби етади. Нега деганда, энг адолатли мух.ит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фа^ат ма^аллада булиши мумкин. Деч бир корхона, х.еч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада мах.алла билан тенглаша олмайди. У ерда х.аёт тажрибаси катта, заминга я^ин, купни курган, барча ишни жой-жойига куя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зуравон, манаман деган одам х.ам ма^алла ах.ли олдида ювош булиб крлади. Нега деганда, х^амма —• у ^андай одам булмасин, ^айси лавозимда утирмасин, ма^алла ах.лига буйсунишга мажбур. Шунинг учун, такрор айтаман, айрим "бели бакувватлар" х.ам, ^утуриб кетаётган баъзи кимсалар х.ам мах.аллага ^улок, солади. К^улок. солмай х,ам курсин-чи! Шундай экан, барча масалада мах.аллаларга суянган х.олда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида куришимиз лозим.

Узбекистан х.укумати мах.аллаларга катта эътибор билан ^араяпти. Тошкент ма^аллаларида, айник.са, эски ша^ар ^исмида амалга оширилган ишлар бунга гувох.лик бериб турибди. Виз амалда барча ма^аллаларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаб булдик. "Ма^алла" жамгармасининг ташкил этилиши, пойтахтимизда ишлаб

чик.илган махсус "Маз^алла" дастури шах.ардаги купгина муаммоларни изчил хдл этишга кумаклашмокда. Фурсатдан фойдаланиб, мах.алла ахлига, фаолларига уз миннатдорчилигимни ва з^урмат-эз^тиромимизни билдирмо^чиман.

Азиз ^амшах^арлар!

Тошкент — Узбекистоннинг куркидир. Уни жа^оннинг энг гузал шахарларидан бирига айлантириш сиз билан бизнинг му^аддас ва шон-шараф ишимиздир.

Мувакдат иктисодий к,ийинчиликларга к.арамасдан, Тошкентимиз — жонажон пойтахтимизнинг муаммо-юмушларини х_ал к.илишда, мушкулини енгиллаштиришда х,еч ким мех.натини аямайди деб ишонаман.

Хабарингиз бор, я*;инда давлатимиз пойтахтини келажакда янада ривожлантириш вазифалари тугрисида мас-лах.атлашиб олган эдик. ^озир ишлаб чи^илаётган бош режага кура, ах.оли учун з^амма к^улайликлар яратилган купдан-куп тураржой бинолари ва бонща ноёб иншоотлар к.урилади, янги бог ва хиёбонлар, куча ва йуллар барпо этилади. Тошкентда жамоат транспорти, айникха, унинг атроф-муз^итга зарар келтирмайдиган, турларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари х.ам кузда тутилган. Умуман, куриладиган ва ^илинадиган ишлар кулами катта.

Мен дунёнинг куп жойларида, Осиё, Европа, Америка цитъаси мамлакатларида булдим. Лекин *;аерга бормай, Тошкентга, Узбекистонимизга тезро^ ^айтсам дейман. Уйлайманки, бу з^ол, жонажон шаз^римизга мух^аббат х.еч бирингизга бегона эмас.

Тошкент ах,ли азалдан мех_наткаш, бир сузли, ок.ибатли, багри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги билан хизмат ^илишга к.атти^ бел боглаган фидокор инсонлардир.

Ишончим комилки, улар йул к.уйилган хато-камчиликларни биргаликда, ах.иллик ва х.амжиз^атликда бартараф этадилар.

Ана шу улуг ма*;сад йулида сизларга, бутун шах.ар аз^лига сих^ат-саломатлик, омонлик ва бахт-саодат тилайман.

*Халк, депутатлари Тошкент ша.\ар Кенгаши сессиясида сузланган нупщ, 1994 йил 15 июль*

## МУСТА^ИЛЛИГИМИЗ БО1чИЙ БУЛСИН!

Азиз ватандошлар!

Мух.тарам юртдошлар!

Сизларни буюк сана — Узбекистан мустациллигининг уч йиллиги байрами билан чин к,албимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ана шу к.утлуг айёмда ватаним деб, элим деб, бугунги озод Узбекистан учун з^аётини — жонини фидо к,илганларни ёд этиш, улуг аждодларимизнинг рух.ларини шод к.илиш барчамизнинг инсоний бурчимиз деб биламан.

Ушбу муборак кунда улуг тарих ва маънавият эгаси булмиш, мустак.иллик учун кураш йулида не-не аёвсиз буронларни бошидан кечирган, бугунги машакдатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-ток.атли, матонатли ва доно халк.имизга таъзим к.иламан. Виз учун мустак.иллик — энг аввало, уз таедиримизни ^улимизга олиш, узлигимизни англаш, миллий к.адриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, з^аммамиз учун муътабар шу заминда, з^ар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барк.арорликни са^лашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, мех.ру ок.ибатни царор топтиришдир.

Виз учун мустак,иллик — АЛЛОХ.НИНГ узи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик ^илиш, халк.имиз ^удрати, салох.ияти, ак.лу заковатига таяниб, Узбекистонда яшаётган з^ар бир инсон, з^ар бир оила учун муносиб з^аёт к.уриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан к.олдиришдир.

Виз учун истек/юл — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаз^онда обру-эътибори, шон-шавкатини кутарадиган соглом авлодни, з^ар жиз^атдан баркамол ва фидойи угил-цизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини куришдир. 5^ар бир фу^аромиз учун — миллати, ирк.и в^а



1

диний эътщодидан катьи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Виз учун истиклол — давлатчилигимизни муста^камлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини Кj-риш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаз^он з^амжамиятида муносиб урнимизни эгаллашдир.

Шу ма^садларга эришиш учун юртимизнинг барча а^олиси Узбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, уз таедирини Ватан такдири билан узвий боглаб курашмоги, ме^нат ^илмоги даркор.

Азиз дустлар!

Она юртимиз учун, унинг порло^ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни бахшида этайлик!

Азиз ватанимизни асраб-авайлайлик, улуглайлик!

Ватанимиз олдида уз инсоний ва фук.аролик бурчимизни сид^идилдан бажо келтирайлик!

Илоз^им хал^имизнинг тинчлиги ва тотувлигига куз тегмасин, хонадонимиздан файз, кут-барака аримасин!

Муста^иллигимиз бо^ий булсин!

Шу мукадцас ма^садлар йулида бизга Парвардигорнинг узи мададкор булсин.

*Узбекистан Республикам*
*мустакиллигининг уч йиллиги*
*муносабати. билан 1994 йил 31 августда*
*байрам цатнашчиларига карата*
*сузланган нутк.*

## ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

*Узбекистан давлат мустщиллиги эълон ^илинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан бир гуру^ ватандошларимиз республиканинг орден ва медаллари билан та^дирланган эди. 1994 йил 20 сентябрь куни Вазирлар Мщкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими булди. Уни Президент Ислом Каримов очди.*

Му^тарам ватандошлар! Бугун биз ^увончли ва ^аяжонли бир воцеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент.

Маълумки, муста^иллик байрамининг уч йиллиги арафасида ватанимиз исти^лолини муста^камлаш йулида алоз^ида урнак курсатган юртдошларимиздан бир гурух.и олий нишонларга сазовор булган эди.

Бугун биз "Дустлик" орденини дастлабки со^ибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йигилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сузни уша Фармонда биринчи булиб зикр этилган "Муста^иллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Муста^иллик" ордени билан муста^ил з^у^у^ий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий з^аётини мустаз^камлашга, республикада тинчлик ва тара^^иётни таъминлашга улкан з^исса ^ушган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи булиб, буюк адиб ва улуг инсон Абдулла К,одирий сазовор булди. Узбек халкининг маънавият ва маърифатини, миллий кддриятлари ва онгини юксалтириш йулида у зотнинг ^илган хизмати бе^иёсдир.

Юртимизда Абдулла К^дирий асарлари кириб бормаган бирорта з^ам хонадон булмаса керак. У фа^ат узбекларнинг

эмас, балки Туркистон халкларининг х.ам севимли адиби, озодлик ва истиклол куйчисидир.

Бу буюк зот уз жонини, уз истеъдодини ватанимиз эркинлиги ва мустак_иллиги, хал^имизнинг бахту саодати , йулида фидо кмди. Унинг з^аёт ва ижоддаги саботи ва халоллиги авлодлар калбида ватанга му^аббат ва садокат туйгуларини тарбия этиб келмокда. Абдулла К^одирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва рухи х.амиша биз билан бирга.

Насиб этса, якинда Узбекистон хал^и Абдулла К^>дирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Уша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурриётларига Абдулла К^щирий орзу этган ва азиз жонини багишлаган буюк максад — мустакиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Мух.тарам дустлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сакламо^, унинг дардларига дармон булмок^ вазифангиздир" деб авлод-аждодларимизга васият квдган эканлар, дейди Ислом Каримов, бугун юрт дарди билан яшаш, элга ^алол ме^нат килиш — улуг бобомизнинг наси^атларини бажаришдир. Шундай гоя-ма^сад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тупланганлар.

Бугун сизларга — "Дустлик" орденининг илк со^ибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан бех.ад мамнунман.

Бугун Узбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар уртасида биродарлик, узаро ^амжиз^атлик ва тотувликни муста^камлашда катта хизмат курсатган, Узбекистон хал^ининг бош^а мамлакатлар халклари билан дустлик ва 5^ар тарафлама хамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнаки, порлок^ исти^боли учун улкан з^исса ^ушаётган — адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, куп миллатли зиёлилар ва ишчилар — хал^имиз вакилларини багримга босмо^чиман ва уларни "Дустлик" ордени билан чин калбимдан табрикламо^чиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва гурур билан куксингизга та^иб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар х;аммамизни сизлар каби элга сид*;идилдан хизмат ^илишга ру^лантиради.





Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, ватанимиз тарак^иёти йулидаги фаолиятингизга куч-гайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга си^ат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр булсин!

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сунгида. Бу х,ам булса, шу юртни бахт-лисаодатли ^илиш. Ило^им, шу уйимиз, ягона хонадони-миз — Узбекистонга дунган бахт ^уши — тинчлик, осойишталик, баркарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халкимиз риз^-рузи тугал, фарзандларимиз омон булсин. Мен иродаси бакувват, иймони бутун халкимга яна бир марта таъзим к.иламан. ^аммамизга Узбекистоннинг ,буюк келажагини куриш насиб этсин. Ана шу йулда барчамиз елкадош булайлик.

## 1^ИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

*1994 йил 21 сентябрь купи Президент Ислам Каримов иштирокида республика Вазирлар Мщкамасининг мажлиси булди. Унда вазирликлар, идоралар, давлат кумиталари, уюшма ва корпорациялар х^амда Щора^алпоFuсmon Республикаси Вазирлар Кенгаши рахбарлари, вилоятлар ва Ташкент шах,ри кокимлари к^атнашди. Йирилишда республика хал% хужалигини к,иш мавсумига тайёрлаш билан боглщ масалалар мух,окама ^илинди.*

*Узбекистан Республикаси Президенты Ислам Каримов кун тартибига к_уйилган масаланинг хал>$ хужалигидаги х,ар цайси сох,а учун долзарб жих^атлари хусусида гапирди.*

*Kjaiu* з^ар гал эшик кркиб остонада тургандагина унга тайёргарлик куриш зарурлиги з^акида уйлай бошлаймиз. Ва^оланки, з$ар йили халкимизни айнан бир хил муаммолар к.ийнайди. Гоз$ кумир етмай крлади, *то* иссик, сув кувурлари ишдан чи^ади ёки чиро^ учади, кучада транспорт катновинининг мароми бузилади. Нега шундай? Нега масъул ра^барлар бурчини тушуниб етмаяпти? Докимлар одамлар ташвишини олдиндан уйлаши лозим эмасми?

Ислом Каримов мажлис катнашчилари эътиборини *^иш мавсумига тайёргарлик куриш борасидаги муз^им муаммоларга ^аратди. Сунгги икки йил к;иш фасли мобайнида ^андай к;ийинчиликларга дуч келганимизни таз^лил этиш, 1^иш тайёргарлиги билан богли^ доимий муаммоларни ани^лаш лозим. Дали купгина вилоят ва хужаликларда ^ишга тайёргарлик ишларида жиддий ну^сонлар бор. Баъзи вазирлар, бирлашма ва корхоналар рахбарлари ташкилотчилик ишларини етарли даражада йулга ^уймаган.

А^олини киш давомида иссиклик билан таъминловчи козонхоналарнинг узлуксиз ишлашини ташкил этиш зарур. Дар йили ^иш даврида истеъмолчиларни ва хонадонларни иссиклик билан узлуксиз ва сифатли равишда таъминлаш





ишларида камчиликлар аникланганига ^арамасдан ушбу ишларни уз ва^тида бажаришда бу йил хам сусткашликка йул куйилган. Биргина Тошкент вилоятида ташкилотларга ^арашли 507 уй-жойдан атиги 71 таси ^ишга тайёр ^илинган, 136 мактаб, 141 болалар богчаси ва 716 та турли муассасалар иссиклик цабул ^илишга шай эмас. Коммунал хизмат курсатиш вазирлигига ^арашли уй-жойлар асосан хусусийлаштирилди, деди Президент. Шундай экан, бу уйларда исти^омат ^илувчи ахолининг сув ва газ таъминоти билан жойлардаги з^окимликлар х;ам шугулланиши керак. Докимликларнинг уз ресурслари, маблаги, ишчи кучи, мутахассислари бор. Улар катта хукук^ ва масъулиятга эга. Демак, давлат таъминотини кутиб турмасдан, таъмир ишларини бажариш, :кувурлар келтириш учун мустакил харакат ^илмо^ лозим эмасми? Баъзи рахбарларимиз эса республикада и»;тисодий ислоз^от, хусусан, мулкни хусусийлаштириш борасида килинган узгаришлардан мутла^о бехабардек з^амон эскича фаолият юритмовда. Мутахассислар маълумотига Караганда, бу йил киш кэттик. келади. Ёгин-сочин давригача кумир ташвишини хам хал этиш зарур. Ахолини кумир билан таъминлаш ишлари шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида туда бажарилиши керак.

Электр энергияси таъминотини з^ар жихатдан ижобий хал этиш учун Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги зудлик билан, ишчанлик ва тадбиркорликни кучайтириб, энергия блоклари, крзонхона агрегатларини ва^тида таъмирлаш ишлари ва уларни киш мавсумида узлуксиз ишлатишни таъминлашлари керак. Президент киш буйи хонадонларга, ташкилот, муассаса ва корхоналарга нур з^амда иссиклик узатадиган марказларнинг узлуксиз ишлаши учун мутасадди раз^барлар кафолат бериши, жавобгарликни зиммасига олиши лозимлигини таъкидлади.

Узбекистон собиц СССР з^удудида газ ишлаб чи^ариш буйича учинчи уринни эгаллагани холда, газлаштириш атиги турт фоизни ташкил ^илар эди, деди Ислом Каримов. Сунгги у ч йил ичида ана шу курсаткич 40 фоизга кутарилди. Яъни халк.имизни газ билан таъминлаш даражаси ун баравар ортди. Аммо, айрим вилоятларда газдан тежамкорлик билан фойдаланилмаётир. Хусусан, Андижон, Самарканд, К.аищадарё ва Бухоро вилоятлари шартномада кузда тутилганидан куп газ олган. Хуш, нега исрофгарлар

ортикча ишлатадиган газга, керак булса, 10 баравар юкрри нарх куймаймиз? Нима учун замон талаб ^илаётган мана шундай иктисодий чораларни кулламаймиз? Х^демай, ^иш келиши билан з^амма жойда, жумладан, Тошкент шазфида з$ам кишилар уй иситиш учун газ ё^иб куяди. К_ачонгача одамларни шундай яшашга мажбур этамиз? Ким бу з^акда кайгуради? Мутасадди раз^барлар ушбу масалаларга жиддий эътибор беришлари зарур, деб таъкидлади Президент.

Мамлакатимиз раз^бари чорвадорларнинг кишлови масаласига алоз^ида тухталди. Тогли жойлардаги, чул ва дашт зоналаридаги кишиларни, чорвадорларни, чупонларни табиат кийинчиликларидан муз^офаза этиш, уларни зарур озщовкат маз^сулотлари з^амда иссик^ кийимлар билан таъминлаш мутасадци раз^барларнинг муз^им ишларидандир. Шунингдек, чорвачилик фермаларини ва бош^а объектларни кишга тайёрлаш масаласи з^ам эътибордан четда ^олмаслиги лозим. Бугунги ик;тисодий та^чиллик шароитида мол туёгини са^лаш ва купайтириш муз^им масаладир. Эртанги ^иш аёзларида чорва нобуд булмаслиги учун зарур чораларни куриш долзарб муаммолардан биридир. Бу борада республикада аз^вол ^андай? Жойларда кандай ишлар амалга ошириляпти? 1^иш мавсумида чорва нобудгарчилигига йул куймаслик, молларни емиш билан таъминлаш борасида аник; нормативлар булиши зарур. Амалда эса ^иш мавсумига тайёргарлик 1 сентябргача 50-53 фоизга бажарилган, холос. Бу масалаларни пухта тазугал ^илиш ва *анщ* чора-тадбирлар белгилаш зарур.

Транспорт — мамлакат щтисодиётининг J^OH томиридир, деди Президент. Шу маънода мазкур соз^а раз^барлари з^ам катта ишларни амалга оширишлари керак. ^озирги куз кунларидаёц кечга бориб йуловчи ташувчи транспорт воситалари камайиб кетмокда. К^иш даврида жамоат транспортининг з^ар куни бир маромда йулга чи^ишини таъминлаш зарур. Хорижий мамлакатлардан янги автобус, троллейбус ва трамвайлар олиб келяпмиз. Лекин нима учун бекатларда з$али з$ам тумонат одам? Сабаби шундаки, автобуслар з^айдовчиларга бериб ^уйилган, хо^ласа — юради, хоз^ламаса — йу^. Жамоат транспортининг хужайини ким? Мутасадди раз^барларми ёки куР[с] муомалали з^айдовчиларми? Транспорт соз^асида ишлайдиганлар ^ачон оддий тартиб-интизомга буйсунадилар? Со^ада иш тартибини бутунлай узгартириш зарур. ^айдовчиларнинг ишига к.араб маош тулашни йулга ^уйиш керак.

Хуллас, к;ишга тайёргарлик ишларини тула-тукис ва ва^тида тугатиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ислом Каримов з^ар цайси мутасадди раз^бар уз тармогининг *;иш мавсумида узлуксиз ва мунтазам ишлашига кафолат бериши, жавобгарликни зиммасига олиши кераклигини яна бир карра таъкидлади.

# ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

Ассалому алайкум, му^тарам халк^ ноиблари!

]^адрли дустлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз таракдиётида муз^им аз^амиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Узбекистон Республикаси мустакиллигининг уч йиллиги санасига тугри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча булиб утган байрам тантанаси бутун халкимиз ва жах.он ахлига танлаган йулимизнинг тугрилигини, муста^ил тара*;киётнинг з^аётимиздаги ах.амиятини яна бир бор намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз баркарорлик ва фукаролар тотувлиги х,укм сурган бир шароитда, бозор и^тисодиёти сари амалий кадамлар ^уйилаётган, аз^оли ижтимоий жи^атдан з$ар тарафлама мух.офаза килинаётган, давлатимиз халкаро мш^ёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун ^иска фурсат. Аммо жамият таракдиётини х.ал килувчи замонда давр календарь вараклари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, ик.тисодий, ижтимоий ва маънавий з^аётида амалга оширилаётган узгаришларнинг теранлиги ва аз^амияти билан улчанади.

Тула асос билан айтиш мумкинки, биз уз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб утдик, давлат тизими ва ижтимоий х.аётнинг барча сох.аларида мух.им узгаришларга эришдик.

Х,еч бир муболагасиз айтиш мумкинки, халк.имиз иродаси з^амда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз х.аётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор к.урди ва бош^арди.

Уйлайманки, ^озир х.ар биримиз, х.ар бир депутат бугун тарих булиб долган фаолиятимиздаги биринчи ь^уйган к.адамларимизни, уша унутилмас кунларни хаёлда к.айта-





дан яшаб тургандекмиз. Шу боне уша мураккаб, чигал, айни ва^тда шарафли кунларнинг мазмун-моз^иятини яна бир карра куз унгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан утказишимиз табиий ^олдир.

Чунки, биз бу j^HCi^a муддат мобайнида асрларга тенг долгали бир з^аётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ухшаши булмаган ижтимоий жараёнларга дуч келдик.

Та^дир бизнинг авлодимиз, сизу бизнинг зиммамизга мисли курилмаган синов з^амда вазифаларни юклади.

Шунинг учун х.ам бугун босиб утган йулимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нук.таи назаридан идрок этиб бах.олаш зарур, деб х.исоблайман. Ба^олаганда х.ам шунчаки расмий куз билан эмас, балки инсонийлик нук,таи назаридан тугри ва з^алол бах.о бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги х.ар к.андай янгиланиш, з^ар ^андай узгариш аввало инсон учун, унинг з^аётини фаровон этиш учун амалга оширилмоги даркор. Биз бу гояни уз фаолиятимизнинг бош ма^сади деб белгиладик ва шу йулдан огишмай боришга интилмовдамиз.

Аслини олганда, биз з^исоботни хал^имиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. ]^илган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, рах.бар ёки оддий фу^аро сифатида Ватанга к.андай фойда келтирдик, деб узимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган буламиз.

Чунки охир-о^ибатда бизнинг барча ишларимизга з^акдоний баз^о берадиган одил знакам — бу хал*;, шу азиз юртдошл аримиздир.

Шу маънода утган даврни, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нук.таи назаридан таз^лил к.илиш уринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сунгги ун йиллиги улкан ва унутилмас во^еаларга низ^оятда бой булди. 70 йилдан зиёд ва^т давомида дунё икки ^арама-^арши лагерга булиниб, инсоният доимий тазушка остида яшади. Жа^онда узаро таз^дид ва ^ур^ув муз^ити з^укм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минта^аларида миллий озодлик ва мустак.иллик ^аракатлари кучайиб борди. Мазлум халк.ларнинг эрк учун кураши асрнинг гоясига айланди. Узга давлатларга тобе булиб келган куплаб мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёса-

ти ижтимоий з^одиса сифатида халк,аро майдонда з^алокатга маз^кум этилгани тобора аён була борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муз^им ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.

Ва НИХ.ОЯТ, аср адогига келиб тарих та^озоси билан оламдаги йирик ва сунгги империялардан бири булмиш СССР емирилди. Дар к.анча олижаноб шиорлар билан бежаб-буялса-да, мох.ият эътиборига кура мустамлака салтанати булган Совет Иттифо^и бесамар коммунистик тажриба к^урбони булди.

Дунёнинг олтидан бир к.исмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик з^олатида яшаган хал^лар к.арамлик кишанларидан халос булдилар. Уларнинг з^ар бири уз имконияти, уз ак.л-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Узбекистан хал^и х.ам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиклол байроги ^илпиради.

Хзфматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги турт-беш йилда орттирилган озми-купми тажрибамиз, жамиятимизда булаётган узгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, юту^ ва хатоларимизнинг сабок/юри хасида айрим хулосаларни чик.аришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва тахлил к.илишдан олдин, бир зумга булса-да, турт-беш йил му^аддам бошимиздан кечган 1989—1990 йилларга хаёлан к.айтайлик.

Баъзи бир гоят к^ийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Уйлаб куринглар, азиз дустлар, ушанда бизлар ким эдик?

— Уша йиллар умуман ^андай давр эди?

— Таедиримиз, эркимиз кимларнинг ^улида эди?

— Каъба деб каерга сигинар эдик? Х.ар тонг "Ассалом!.." деган мадз^ия о^англари остида кимларга ^уллу^ ^илиб уйгонардик?

— Тилимиз, динимиз ^ай аз^волда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Бахруддин На^шбандларнинг му^аддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бош^а





улуг бобокалонларимизнинг буюк номлари ^айси тупро^ларга ^оришиб ётган эди?

— Миллий гururимиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз к.андай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хуш, узимиз-чи? Узимиз узлигимизни билармидик? К^андай муътабар замин, улуг аждодларимизнинг улмас мерослари билан ози^ланган ер углонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, уша кезлари Узбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ^исоблашармиди? Жа^он мицёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз к^андай ва ^анча бе^иёс бойликлар хазинаси эканидан к.ай биримиз хабардор эдик?

— Гуё миллий ифтихор булмиш пахта, х.ак.ик.атда миллий гурур урнига буйинтуруц булиб, хал^имизни ялангоё^ ^илишдан, бошимизга азоб-укубат, таъна-маломатдан бош^а нима келтирарди?

—• Яна бир бор эслаб куринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кутармасдан яшаганимиз? Кремлнинг з^ар бир имосига мах^тал булиб, ярим ^уллик х.олатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло з^ак.к,имиз йук.. Буни з^аммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки ИСТИК.ЛОЛНИНГ дастлабки чогларини ёдга олайлик. Уша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар руй бердики, агар биз салгина янглишсак, з^ушёрлик ва к.атъиятни озгина бой берсак, баъзи бир ба^ири^-ча^ирик. йулига утган "доз^ий"ларнинг гапига кирсак,ута хотиржамлик ва гафлатга берилсак, эз^тимол, бугунги кунда хал^имиз так.дири, ватанимиз так_дири бутунлай бошк.а йулдан кетиши, боши берк кучаларга кириб ^олиши мумкин эди.

Буниям аник^ тасаввур ^илишимиз керак.

Шукурки, Аллоз$ барчамизга шундай к.ийин фурсатларда ак/г-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга булган мезф-ок.ибатдан айирмади. Халк^имиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон булиб бардош берди, узининг улуг фазилатлар соз^иби эканини яна бир карра намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб хал^имизга таъзим ман.

Бизнинг бугун эришган энг катта ютугимиз, энг катта бойлигимиз — халкимизнинг акл-заковати, унинг танлаган йулимизга ишончи, мамлакатимизда хукм сураётган халклараро дустлик, фукаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

Чунки факатгина шу йул билан халкимизни, миллатимизни тахликали дунёда омон саклаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дустлар!

Юкорида зикр этилган фикрларни умумлаштирсак, бугунги кунимизни туксонинчи йил билан солиштирсак, киёсласак, хаётимизда булаётган узгаришларнинг, эришилган ютукларимизнинг асосий мезони деб:

Биринчи навбатда, одамларнинг дунёкараши узгариши, ГУРУР> орият, шаън ва номус туйгулари кучайиши, хаётга ва мехнатга муносабати, Ватанга, юртимизга мехри, эгалик ва масьулият занеси кучайишини курамиз.

К>айта куриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб курайлик. Ушанда бизлар хам юкумли бир касалга мубтало булган эдик. Яъни, сохта демократия никрби остида килинган узокни кузламаган турли харакатлар хали хам ёдимизда. Виз шундай касалликдан бошкаларга нисбатан анча осон кутулдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган акида карор топди. Жамоаларда, махалла-куйда, оилада маънавий иклим согайганини уз кузимиз билан куриб турибмиз. Бу янги даврнинг олижаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёркин хусусиятлардан яна бири миллатнинг узлигини англашидир. Нихоят, кайси заминда яшаётганимизни хис этиш, кандай гузал ва ^адимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

^аётимизда, умуминсоний ^адриятларга интилиш билан бирга, Шарк фалсафаси муносиб урин топяпти. Орамизда яна кайтадан мусулмончилик, хал^имиз соддагина килиб "узбекчилик" деб атайдиган мехру о^ибат, узаро чидам ва хурмат, узгаларнинг дардига хамдард булиш каби олижаноб фазилатлар і^арор топяпти. Бу улуг а^идалар калбимиз туридан тобора Купроіу жой олаётгани катта ахамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини булмиш Ислом динимизни кадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири хаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тулдиришга хизмат ^илмокда. Буни хеч ким инкор эта олмайди.





Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан гофил этишга уриндилар.

Аммо биз хурриятни орзу этишдан, хуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сакладик.

Улуг бобокалонларимиз рухига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта хисса ^ушган улуг аждодларимизга, улар колдирган улкан меросга муносиб булиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, хар бир фукаронинг онгидан муста^кам жой олиши — бу хам янги замоннинг мухим хусусияти.

Узбекистан — мукаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Узимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садокат рухида тарбиялаш, уларнинг кмбларида шу муборак заминнинг хар бир каричига мехру мухаббат уйготиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани хаммамизни кувонтиради.

Тарихий шон-шухратимизни, бугунги кунимизни, жахонда тутган урнимизни англаб, порлок келажакка муносиб соглом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ^ам — бугунги кунимизнинг ёркин белгисидир.

Янги жамият ва давлат куришда дадил ^адамлар ^уйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошкарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жахон тажрибасига жавоб берадиган, узимизнинг дунёкарашимизга мое сиёсий тизим карор топяпти.

Вилоятлар, шахар ва туманлар худудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос хркимлик институти барпо этилди. Айни замонда, махаллий уз-узини бошкаришга, яъни махаллага катта эрк ва ху^уклар берилди. Янги бошкарув тизими хал^имиз табиатига, халкимиз талабига мое келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни саклаш гарови булмокда.

Бошкарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соглом авлод вакилларининг купро^ жалб этилаётгани хам — бугунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютукларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озикланган муборак заминда янги юксак бино —

буюк давлат к^риш ва жаз^он давлатлари орасида муносиб урин эгаллаш учун з^аракат бошланди.

Бу улугвор мак.сад сари сабот билан интилиш з^ам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай х.аракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг :х.иссаси катта булгани бизни без^ад *;увонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга акл ургатиб, онгимизни бойитиб, керак булган чогларда, бугунги тинч ва осойишта з^аётимизнинг к;адрини тугри тушунтириб, савобли ишларимизга ок; фоти^а бериб тургани бизга доимо мадад булади, кучимизга куч, гайратимизга гайрат к.ушади.

Яъники, бизнинг жамиятда булиниш, парокандалик юз бермади. Аз^иллик ва умум масла^ати к;арор топди. Бу х.ам бизнинг энг му^им ютугимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, уз миллий мафкурамизни шакллантириб, узлигимизни тобора купрок. англаб бораётган бир шароитда бошк,а миллатларга з^урмат, юртимизда яшаётган з^ар бир инсонга — унинг ир^и, миллати, диний эътикодидан к.атъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йулида килинаётган саъй-з^аракатлар х.ам бугунги даврнинг энг олижаноб фазилатидир.

Хзфматли депутатлар!

Бугунги х.аётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — ик.тисодий исло^отларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидйн базфаманд булишдир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришимиз керак. Бугунги кундаги энг мух.им ва х,ал к;илувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чик^ариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини узгартириб, уни уз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хо^ саноатда ёки ^урилишда, хох, савдо ёки хизмат курсатиш со^асида, хо^ ^ишло^ хужалик тармо^ларида булсин — х.еч к;андай расмиятчиликка, хужакурсинликка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча", деган бепарволикка йул бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта эътибор — мулкчилик шаклидан к;атьи назар — корхона, ташкилот, хужалик ме^нат жамоаларининг и^тисодий муста^иллигини янада муста^камлаш, уларнинг масъулиятини оширишга ^аратилади.

Яна бир муз^им масала. Шахсий ва хусусий мулк эгаларига, уларнинг даромадига куз олайтирмасдан, кенг йул очиб бериш. К^онун ва фармонларимизда белгилаб куйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг когозда эмас, амалда булишига эришмо^ даркор! Афсуски, з^озирча з^аётда шундай булмаяпти. Аввалги — з^аммани суньий равишда тенглаштириш даври утди. Бу масаладаги карашимизни узгартиришимиз даркор. Чунки бир одам з^алол мез^нати ор^али бойиса, бош^аларга з^ам нафи тегади. Халк. бой булади. Барчамиз баробар булиб, барчамиз хароб булиб яшаганимиз етар. Энди акл-заковат билан, х.алол мез^нат ^иладиган одамларнинг косаси окарадиган ва^т келди.

Маълумки, мез^нат жамоаларига биз талай эркинликлар бердик.

Хал^ хужалигини бош^ариш тизими ^айта тузилди. Вазирликлар ва уларнинг органлари маъмурий бопщарув тизимининг жойлардаги булими сифатида тугатилди.

Давлат буюртмалари бекор ^илинди ёки кескин киск.артирилди. Эркин нархга утдик. Бор з^укук^ ва имкониятлар бевосита ишлаб чи^арувчининг узларига бериб ^уйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермокла. Лекин ислоз^отлар йулидаги фаолиятимизни тан^идий куз билан холисона баз^оласак, куп ачинарли з^олатларни куриш мумкин.

Аввало, ишлаб чикдан дастуримиз, тадбирларимизни з^аётга татбиц ^илишда айрим раз^бар ва ходимларнинг тушунчаси, ислоз^отга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми куп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши урганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сузга чи^иб, ислоз^отларни мактаймиз, иш *;иляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баландпарвоз ваъдалар берамиз, амалда эса •— бутунлай бошка з^олат.

Бундай ю»;умли касалликдан, хужакурсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезрок; кутулиш керак. Бундай з^олатнинг чузилиши, аввало, ислоз^отнинг узига, аз^амияти ва обруйига дог тушириши, охир-оцибатда эса, одамларимизнинг ислох.отлардан ихлоси ^айтишига сабаб булиши мумкин.

Бугунги энг муз^им вазифа — хал^имизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар ^илиш.

Албатта, з^аммамиз з^ам, биринчи навбатда, ра^барлик лавозимида утирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз,

замонавий тажрибаларни кунт билан урганиш, изланиш ва тадбиркорлик йулида узимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раз^бар ва мутахассисларни топиш кийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки ра^барлик крбилияти хам одамнинг пешонасига битилган булади. Агар рахбар эгаллаган лавозимига муносиб булса, уша жойда халк уз з^имоясини топади. Лекин, минг афсуски, рахбарларимизнинг купчилиги з^ануз бокимандалик кайфиятидан кутулгани йу^, эски тизимнинг кртиб долган услуб ва асоратларидан халос булмаяпти.

Кимдир юкоридан келиб уларга хамма шарт-шароитларни ташкил килишига умид боглаб, уз масъулиятини сезмасдан утирган ра^барларни учратиш жуда ачинарли хрлдир.

Х^ммамиз яхши тушунамиз: бугунги к^ийинчиликларни енгиш, тугри йул топиш, бу — жуда мураккаб ва кийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, рахбарлик кобилияти булган, керак булса, катти^куллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинггина рахбарлик тунини кийишга маънавий з^ацки бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак деган шиор энг аввало ана шу рахбарларнинг хаётий маслаги булмоги лозим.

Рахбарлик кобилияти хам, менинг фикримча одамзодга Аллох^ таоло берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, рахбар шахе ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб булиши зарур. Куп хрлларда рахбарлик лавозими таклиф этилган кишилардан "ишончингиз учун ра^мат","топширигингизни бажараман" деган гапларни эшитамиз. Афсуски, бу одамларнинг барчаси з^ам зиммасига олаётган масъулиятини теран тушунавермайди. Баъзан беихтиёр уйлаб крламан: шундай бир асбоб-ускуна булсаки, у билан раз^барликка номзоднинг уй-фикрини, билимини, диёнатини якдол куриб, кейин фармонга имзо чексам!..

?^аётий тажриба шуни курсатдики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли рах_бар атрофида соглом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар купаяди. ^арабсизки, бундай иш кайнаб турган жойда муз^ит з$ам соглом, одамларнинг кайфияти ^ам яхши.

Му^ит каерда носоглом? Бу саволга ани^ жавоб бериш мумкин.

К^улидан иш келмайдиган, манманликка берилган, гудайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уругчилик,





ма^аллийчиликни авж олдирган, аввало уз манфаатини кузлайдиган рахбар шундай носоглом а^волга, жанжал, туполон, ^арама-^аршилик ва адоватга тула мухитга *сабаб* булади.

Халкимиз "бир кун жанжал булган жойдан ^ир^ кун барака кетади" деб бежиз айтмайди, муз^ити носоглом бундай хужалик ва туманларда х;акикатдан з^ам файзу барака ва омад йуколади. Шунга караб, хулосани уз вацтида чи^арсак, ишимиз з^ам унгидан келиб, тезро^ юришиб кетади.

Хзфматли халк; ноиблари!

^аммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос булиб долган носоглом щтисод асоратларини йукртмасдан, айни^са, хом ашё минта^асига айланган бир ёклама ривожланган ишлаб чикаришни узгартирмасдан туриб, тула муста^илликка эришиш *;ийин.

Утмишнинг бундай огир асоратларини з^али-з^амон сезиб турибмиз.

Шу боисдан з$ам эски хатоларни тузатиш билан бир вактда, бутунлай янги иктисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соха тизимлари жиддий узгартиришларга муз^тож. К^иска ва^т мобайнида кескин узгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суянган тайёр маз^сулот чикарувчи корхоналарни бунёд этиш ута мушкул экани равшан ва бу куплаб маблаг з^амда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг узидаё*^ хал^ хужалигини жумз^урият эз^тиёжлари ва хал^ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу сох.ада дастлабки кадамлар куйилди. Энди уларни мустах;камлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, з^ар кандай давлат, шу жумладан, жумз^уриятимиз з^ам энергетика мустакиллигига эришгандагина чин маънода мустакил була олади. Я^ин-я^ингача биз з^аёт-мамотимизга дахлдор нефть, нефть маз^сулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишга мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соз^ада мустакилликка эришиш йулида куп иш к^илинди. Мен бугун Мингбулок;, Кукдумалок конларини узлаштирищда матонат курсатаётган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият унгланмокда. Ё^илги-энергетика мажмуи яхши ишламоеда. Нефть, табиий газ, кумир казиб

олиш з^ажми купайди. Нефть к,азиб олиш з^ажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг узида мазут, дизель ёнилгиси, нефть мойларини ишлаб чи^ариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулок. ва Кукдумало^даги нефть конлари яхши истик_боллар очмоцда. Бухоро нефтни к.айта ишлаш заводини к,уриш ишлари жадал давом этмоцда.

Бутун ёк,илги-энергетика комплексини бундан буен х.ам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устувор вазифаси булиб к,олаверади.

Жумз^уриятимиз з^амиша узининг ^ишло^ хужалик соз^асида етиштириладиган хом ашёси билан донг таратиб келган. Шу ну^таи назардан, к,айта ишлаш сох_аларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни К.УРИШ ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рак.обатга бардошли хал^ истеъмол маз^сулотлари тайёрлашни йулга ^уйиш муз^им стратегик вазифа булиб крлмокда.

Энди биз хом ашё ёки арзон-гаров ярим тайёр мах.сулотлар эмас, аксинча, замонавий, ута харидоргир тайёр моллар сотишни урганишимиз даркор.

^удудий тизимни такомиллаштиришга з^ам алоз^ида эътибор бериш зарур. Вилоятлар ва К^орак.алпогистон Республикасининг салоз^ияти ва мез^нат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланилаётгани йук,.

Юртимизда з^алигача ишлаб чик,ариш базаси ривожланмаган. Инфраструктураси ^оло^ аз^оли пунктлари ва ^ишло^лар куплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва маиший хизмат турларидан базфаманд була олмаяпти. Галдаги вазифа ^ишлот^ аз^олисига з^ам шаз^ардагидан ^олишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бунинг учун з^удудларни комплекс з^олда ривожлантириш, ^ишлок.нинг ижтимоий ^иёфасини тубдан узгартириш — бугунги долзарб вазифамиздир.

Илгари бир неча бор таъкидлаган гапни яна бир марта Е;айтариб утмов^чиман: узининг келажагини уйлайдиган з^ар бир давлат, аввало, ^ишло^ хужалигини ривожлантиришга кумак бериши зарур. Унга з^ар томонлама: и^тисодий, моддий ва илмий-техник жиз^атдан ёрдам К.ИЛМОРИ шарт.





и^тисодимиз ва хал^имиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача ^ишло^ хужалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай булиб клэлажак. Бу соз^ага куп имтиёзли и^тисодий шароит яратилмовда. Пахта ва галланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. 1^ишло^ хужалик маз^сулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмокда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, хужаликларнинг узига купрок. и^тисодий эркинлик беряпмиз. Давлат хужаликлари жамоа ва ижара хужаликларига айлантирилмо^да.

Дез^^он-фермер хужаликлари сони, улар ихтиёридаги ер майдонлари ва томорк_алар купаймокда.

Шу билан бирга, ^ишлокдаги ислоз^отлар то^ат к.илиб булмайдиган даражада суст кечаётганини з^ам тан олиш керак.

Билмадим, сиз з^урматли депутатлар буни ^андай баз^олайсиз, лекин, менимча, ^ишлокда утказилаётган ислоз^отларни охиригача етказиш йулида туси^-гов булиб турган расмиятчилик, ло^айдлик, утакетган бепарволик, бо^имандалик ва порахурлик каби иллатларга ^арши жиддий кураш бошлаш вак.ти келди, деб уйлайман.

Токайгача ислоз^от йулида крнун-к.арорлар ^абул ^илиб, уларни амалга оширишга турли погоналарда туси^ булиб турган масьулиятсиз, уз манфаатларидан узга з$еч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бопщаю, дили бопща булган одамларни сафимизда сак.лаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, ю^орида — Республика даражасида ^абул ^илинган фармон ва ^арорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофи^ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёк.да турсин, мазмунини >^ам узгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу а^волга то^ат ^илиб турамиз?

fурматли юртдошлар! збекистон учун, хал^имиз учун, и^тисодий мустак.ил-лигимизга эришиш учун галлага булган эх^тиёжимизни уз кучимиз билан к,ондиришнинг аз^амияти з^а^ида ортик.ча гапиришнинг з^ожати йу^.

Оддий з^исоб-китоблар шуни курсатадики, хал^имизни бо^иш учун 3 миллион 800 минг тоннага я^ин галла керак. Шунча галла тайёрлаш учун Узбекистонда туда шарт-ша-

роит ва имконият бор. Шу йилнинг узида галлакорлик учун 650 минг гектар сугориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мак.садларга, лалми ердан таш^ари, сугориладиган ернинг узидан 1 миллион гектарга я^ини ажратилиши белгиланди. Узингиз бир х.исоб-китоб ^илиб куринг, ^адрли дустлар.

Агар шунча сугориладиган ернинг х.ар гектаридан 35—40 центнердан галла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса уртача 10 центнердан хрсил олинса, бу — яна к.ушимча 500 минг тоннадан ортик; галла демакдир.

Бир пайтлар ота-боболаримиз шундай х.осил кутаришган. Виз нима учун бугун унга эришолмаймиз?

Бунинг сабаблари бор.

Авваламбор, "пахта, пахта" деявериб, галла етиштиришдан бутунлай чициб кетдик. Унинг технологиясини х.ам унутиб ^уйдик. Уругчилик масаласида мутлакр иш олиб борилаётгани йу^. К,иск;а к;илиб айтганда, галлачилик бизда угай сох.а булиб долган.

Яна такрорлаб айтаман, республика буйича уртача 40 центнердан галла олиш, бу — цулимиздан келадиган вазифа. Ахир, цачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан галла олиб келамиз. Токи, галла мустак.иллигига эришмас эканмиз, ик.тисодий муста^иллик х.а^ида гапириш орти^ча.

Лекин, бугунги кунда ах^вол жуда ачинарли. Узларинг айтинглар: нега Самарканд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хужаликлар 60—65 центнердан хирмон кутаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошка крлок^ туманларда бу курсаткич уртача 22 центнердан х,ам ошмайди?

К/эра^алпогистонда сувли ердан олинган уртача хрсил 8 центнер булса, буни биз к^андай ба^олашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, ра^барларнинг масъулияти ва ерга муносабати сустлигидан куриш керак.

Нафак;ат СССР, балки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта муста^иллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва галла масаласида узининг мустак.иллигига эриша олмайди?!

Муста^иллик, истиклол х.ак;ида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим х.окимлар ва хужалик рах.барларига шу саволни беришимиз керак:





Барака топкурлар, халкимизнинг асосий озикаси булмиш нон билан таъминлашда белни ^атти^ боглаб, узларингни курсатинглар. ^а^и^атда з^ам Ватан ва юрт муста^иллиги ва истикболига садо^атли эканингизни сузда эмас, амалда исбот ^илинглар!

^амма, *айнщса* х.окимлар билиб ^уйсин: бу масала буйича суро^ жуда и^атти^ булади! Бундан буен х,ар бир рах.барнинг фаолияти Ватаннинг иктисодий муста^иллигини таъминлашга нечогли х.исса ^ушгани билан улчанади.

Шу маънода узимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб курсак, х.еч ^андай а^лга сигмайдиган ах.волга дуч келамиз. Утган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруглик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халц мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кура июнь-июль ойларида экилиши лозим булган картошка, бир ой кеч — августда ерга тушган. В^олаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз булатуриб, уругликнинг бизнинг шароитимизга мое келадиганини танлаб олиш учун х.еч ким сафарбар ^илинмаган. Бу х.ол бу йил х.ам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иктисодий ^упорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбдорларни жазолайди? Бундай ^олатларни куриб одам ёниб кетади! • Му^тарам дустлар!

Халк;имиз бекорга "Ерни бо^санг, ер сени бокади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баз^олаш к;ийин. Бопща давлатлар билан солиштирганда, бизда ер унумдорлиги, хрсилдорлиги бир неча марта кам эканини з^аммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора курмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эх.тиёжини ^ондириш учун ажратилган сувли томор^а ерлари майдони тахминан 700—750 минг гектарни ташкил этади. Томор^ага ишлов бериб, катта даромад топиб, рузгорини обод к;илаётган миришкор дехдонларимиз жуда куп.

Шу билан бирга, айрим жойларда х.ар к;аричи олтинга тенг беба^о томорка ерларини ажри^ босиб ётганини курган одам: "Ажабо, ер эгаси х.ам шунчалик ношукур буладими?!", деб х,айратдан ё^асини ушлайди.

К^иссадан ^исса шуки, томоркани ерни севган, ерга мех.ри баланд, ерни улуглайдиган дех.^онларга беришимиз

керак. Ерни тепган, ерни хор килиб куйган одамларни томоркадан махрум килиш зарур.

Агар замонавий юксак дез^крнчилик маданияти нуктаи назаридан карасак, Узбекистан шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер булса, ана шу майдонда аз^олининг бор-йуги 7—10 фоизи ишлаб, иктисодимизнинг, халкимизнинг ^ишлок^ хужалиги махсулотларига булган эз^тиёжини хар томонлама таъминлаши мумкин.

^ишлокда истикомат килаётган а^олининг долган кисмини бошка етарли даромад берувчи тармоклар, саноат, курилиш, савдо ва халкимизга хизмат килувчи боища сохаларга жалб этиш масаласини з^ал килишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар сугориладиган ердан, яъни Узбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган махсулот, 42 миллионлик хал^ини таъминлаб, яна экспортга з^ам жунатилади. 1^ишлок. хужалиги сохасида бор-йуги 5—7 фоиз ишловчи ахрли банд, хулосани узингиз чикараверинг.

^урматли халк^ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июлидан жумхурият хаётида, ицтисодий ислохртларни ривожлантириш сохасида янги бос^ич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сумни муомалага киритдик. Виз бу мухим ишга узок^ ва пухта тайёргарлик курдик. Миллий валюта — бу миллий гурур, давлат муста^иллиги рамзи з^амда эгамен давлат белгисидир. У юксак кадр-^иммат ва куч-^увватга эга булмоги керак.

Бунга эса ра^обатга бардошли ма^сулотларнинг, шунингдек, захираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустахкамлаш ва уни дунеда хамма бирдай к_адрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жум^уриятимиздаги ^ар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг бар^арорлигига боглик^ эканини з^еч цачон эсимиздан чщармаслигимиз керак.

Уз валютамизнинг бар^арорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чи^илган ва з^укумат кабул килган туртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, сумнинг харид ^увватини ошириш учун тез орада бозорларнй харидоргир ма^сулотлар билан тулдириш зарур. Асосий вазифа хал^нинг энг зарур эхтиёжларини





дириши керак булган уз махсулотларимизни ишлаб чикаришни купайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз хал!$ истеъмол маз^сулотлари ишлаб чи^арадиган корхоналарга з^ар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда уша тарафга йуналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йуналиш буйича сезиларли ижобий узгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чи^ариш йилдан-йилга купайиб бормо^да. Бу — енгил, ози^-овкат ва маз^аллий саноатлар хизматидир.

Аз^олига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий хажмида узимизда ишлаб чик;арилаётган маз^сулотлар улуши ортиб бормо^да. Бу з^ол, шубз^асиз, барчамизни »;увонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз з^али куплаб зарур ози^-овцат ва саноат маз^сулотларини четдан олиб келишга мажбур буляпмиз. Бу муаммони тезро^ з^ал этиш лозим.

Иккинчидан. Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоз^ртнинг асосий йуналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун махсулот ишлаб чи^аришга мувофиклаштириш, жаз^он бозорида узимизнинг мустаз^кам мавкеимизни эгаллашдир. Бундан кейин з$ам экспорт учун махсулот ишлаб чикариш йулини белгилаб олган корхоналарга хом ашё билан таъминлашда з^ам, инвестиция олишда з^ам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаз^он бозорида ра*;обатга.бардош бера оладиган махсулот ишлаб чикаришга тула юз тутсин.

Улар уз маз^сулотлари билан жаз^он бозорига чициб, ^атьий валюта ишлаб топишни урганишлари ва республика хазинасини тулдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, уз жамоалари олдидаги, бутун хал^ олдидаги вазифаси, мукаддас бурчидир.

